

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимининг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тажик филологияси)
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата *5120100 – Филология и обучения языком*
(таджикская филология)

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)
бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

ТАЛАБЛАР

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Алишер Навоий номидаги Самарканд давлат университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» сент даги 84 - сон буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI KUVVETLASHTIRISH O
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BBS 042.117

МУНДАРИЖА

Т/р		Бет
1.	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари.....	1
2.	Қўлланиш соҳаси	2
3.	Атамалар, таърифлар, кискартмалар	2
4.	Таълим йўналишининг тавсифи	3
5.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи	3
6.	Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.....	5
7.	Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари	25
8.	Бакалаврият таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар.....	36
8.1.	Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	36
8.2.	Таълим дастурларининг татбиқ этилиши	37
8.3.	Малака амалиётларини ташкил этиш талаблари	37
8.4.	Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар	38
8.5.	Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	38
9.	Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш.....	39
10.	Эслатма	40
11.	Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати	40
12.	Илова	41
13.	Библиографик маълумотлар	42
14.	Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари.....	43

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)
бакалаврият бакалаврият таълим йўналишининг
давлат таълим стандарти

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата *5120100 – Филология и обучения языком*
(таджикская филология)

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
State Educational Standard on the level of bachelors of *5120100 – Philology*
and teaching languages (tajik philology)

Амал қилиниши « 15 » 09 2014 йилдан

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги 293-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тўғрисида Низом».

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-сонли Қарори.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
4850 son bilan
« 11 » 09 2014 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги 302-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги 190-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификаторига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш” тўғрисида.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги 446-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги 158-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори”.

2. Қўлланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бoshка манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, кескартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари) нинг маълум бир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар комплекси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) - ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1. 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

5. 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

Ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари,

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, ўрта, ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалаларни ечиш.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:

– ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида тожик тили ва адабиёти, нутқ маданияти фанларидан дарс бериш;

– таълим тизимида кабинет мудури, методист, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

– ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– архивларда, ахборот-ресурс марказларида маслаҳатчи-методист; наириётларда, оммавий-ахборот муассасаларида муҳаррир, мусахҳиҳ; қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

5.2. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари – таълим жараёнида мос ўрта таълим мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни, тожик тилида яратилган бадий матнлар; фикр ифодалашда потенциал маъно ясовчи материаллар; нутқнинг яратилиш жараёни; мулоқот бирликлари; бадий-эстетик коммуникация; матн талқини, тушуниш ва идрок этиш, таълим жараёни меъёрий хужжатлари, ўрганиш, тожик тили ва адабиёти таълими жараёнлари; тожик тили ва адабиётини ўқитиш методикаси; тожик тилшунослиги ва адабиётшунослиги; тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари; адабиёт назарияси, адабиётшунослик тарихи, тожик халқ оғзаки ижоди; туркий филологияга кириш, туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси, маънавий-маърифий тарғибот ишлари соҳаси; муҳаррирлик ва мусахҳиҳлик; тожик тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолияти турлари:

- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташкилий-бошқарув;
- таълим муассаларида илмий-педагогик ва педагогик (ўрнатилган тартибда);
- консалтинг хизмати фаолияти ва шу қабиларни ўз ичига олади.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари:

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) таълим йўналишини тугатган бакалавр касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган махсус фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин куйидаги;

– 5A120101 – Адабиётшунослик (тожик адабиёти);

– 5A120101 – Лингвистика (тожик тили) магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, беш йиллик амалий иш стажига эга бўлган бакалавр ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

Q'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUHOFIJLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JURIY ETISH BOSHQARMASI

6 Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадрятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиклол гоёсига асосланган фаол ҳаётий нуқтан назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

б) касбий талаблар:

- тил ва адабиёт фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиш усулларини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноъбанадий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.
- тожик тили ва адабиёти тарихи, таълимоти, йирик намояндалари, тилшунослик ва адабиётшуносшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;
- тожик тилшунослиги, умумий тилшунослик, тожик тили тарихи, қадимий езувлар тарихи, тожик халқ оғзаки ижоди, тожик адабиёти тарихи, назарияси, жаҳон адабиётига

оид билимларни эгаллаш, тил фанлари, адабиётнинг долзарб масалаларини илғай олиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

- анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

- ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиши, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш;

- ахборотларни тўғри ифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда тилшунослик, адабиётшунослик, тожик тили ва адабиёти ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;

- тилшунослик ва адабиётшуносликка оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;

- касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш.

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашади;

- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашади.

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;

- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-муруват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;

- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.
- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

Таълим муассасаларида илмий-педагогик ва педагогик (ўриятилган тартибда) фаолиятда:

- ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ўтказиш;
- ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва назарий машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар

Математик коммуникатив курс

6.2.2.1. Олий математика асослари фани бўйича

Бакалавр:

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- математик таҳлил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функцияси назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва методларини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;

– оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;

– математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

– замонавий ахборот технологиялари, замонавий дастурлаш технологиялари компьютер тармоқлари, ахборот тизимлари ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши, ахборот хавфсизлиги ва ахборотларни химоялаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– ахборотнинг синтактик, семантик ва прагматик ўлчовлари, ахборот жараёнларининг аппарат ва дастурий таъминоти, операцион тизимлар, алгоритмлаш ва дастурлаш, визуал дастурлаш технологиялари, амалий дастурлар билан ишлаш технологиялари, компьютер тармоқлари ва уларнинг турлари, тармоқ ресурслари, ахборот тизимлари, уларнинг моҳияти, қўлланилиши ва вазифалари, электрон ҳужжат айланиши тизими, автоматлаштирилган ахборот тизимлари, замонавий мультимедиа тизимлари, ахборот хавфсизлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, ахборотларни химоялашнинг техник ва дастурий воситаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– ахборотларга ишлов бериш қурилмалари, ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти, операцион тизимлар, хизмат кўрсатувчи дастурлар ва утилиталар билан ишлаш, дастурлаш тиллари ва визуал дастурлаш орқали дастур тузиш, амалий дастурлар билан ишлаш (матнли, электрон жадвал, тақдимотлар, график, маълумотлар базалари ва уларни бошқариш тизимлари), компьютер тармоқларидан фойдаланиш, турли веб саҳифалар яратиш дастурлари билан ишлаш, электрон ҳужжат айланиши тизими, замонавий мультимедиа тизимларидан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

Табиий – илмий курс

6.2.2.3. Ёш физиологияси ва гигиена фани бўйича

Бакалавр:

– таълим тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятлари;

– болалар ва ўсмирлар соғлиғини химоя қилиш, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари шарт- шароитлари, жихозланиши ва ўқув юкломанинг организмга таъсири *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– зарарли одатлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларни онлавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари;

– ирсий касалликларнинг генезиси ва уларни профилактика қилиш;

– шахсий гигиенага қўйиладиган талабларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– ҳар томонлама тараққий этган шахсни тарбиялаш жараёнида соғлом турмуш тарзи;

– гигиена меъёрлари;

– соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режимини ташкил этиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.4. Экология фани бўйича

Бакалавр:

– биосфера ва инсон, табиатдан фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

– табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик химоя техникаси ва технологиясини, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорликни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– экологик ҳуқук асослари ва касбий масъулият, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик масалаларни ечиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.5. Математик лингвистика фани бўйича

Бакалавр:

- тожик тилининг ахборот услуги;
- табиий тилларда стандартлашув, оптималлашув жараёнлари;
- умумий лингвистиканинг формал ва аксиоматик назариялари;
- лингвистик масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш;
- тожик тили грамматикасининг аксиоматик назарияси. Тожик тили грамматикасининг символлари, формулалари, аксиомалари, келтириб чиқариш қоидалари, теоремалари;
- тилларга ўқитиш, билимларни баҳолаш, матнларни таҳрирлаш ва компьютер таржимаси дастурлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- тожик тили грамматикасини формаллаштириш муаммолари;
- тилларга ўқитиш ва билимларни баҳолаш алгоритмлари;
- матнларни таҳрирлаш алгоритмлари (механик, имло ва шевага хос, грамматик, услубий хатолар);
- тожик тили грамматикасининг аксиоматик моделини ривожлантириш йўллари бўйича;
- лингвистик масалаларни компьютер воситасида ечиш йўллари;
- тожик тилида феълнинг тусланиши. Анализ ва синтез дастурлари;
- математик лингвистик масалаларни ечиш муаммоларини *билиши ва ундан фойдалана олиши;*
- лингвистик масалани бирламчи қўйилиши, математик тилда қўйилиши, ечиш алгоритми, ечиш дастури, компьютерда масалани ечиш;
- табиий тилларнинг компьютер луғатлари (туб сўзлар ва ясама сўзлар, атокли отлар ва географик номлар, сўз ҳақида грамматик маълумотлар, синонимлар, сўз шакллари)дан фойдаланиш;
- компьютерда инглизча-тожикча, тожикча- инглизча таржима алгоритми (гапни таҳлил қилиш, таржима қилиш);
- табиий тиллар формал назарияси (тожик тили мисолида). Тожик, рус ва инглиз тилларини киёсий таҳлил қилиш;
- лексикология ва морфологияда формаллаштириш (сўз, сўз маънолари, сўз туркумлари, қўшимчалар, сўз ясаш жараёни);
- синтаксида формаллаштириш (гап бўлаклари, гап конструкциялари);
- тожик тили грамматикасини ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;
- лингвистик компьютер дастурларини такомиллаштириш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3. Умумкасбий фанлар бўйича талаблар

6.2.3.1. Ҳозирги тожик адабий тили:

Бакалавр:

- *адабий тил тушунчаси*; тожик тилининг эроний тиллар оиласидаги ўрни;
- тожик адабий тилининг шаклланиш манбалари ва қонуниятлари;
- тожик адабий тилининг диалектал асослари; ҳозирги тожик адабий тили сатҳлари, улар орасидаги муносабат;
- *назарий фонетика*: фонетика – тожик адабий тилининг товушлари тизимини ўрганувчи сатҳ сифатида,
- тожик тилида сўзнинг фонетик структураси ва унинг асосий хусусиятлари, фонема ва унинг вариантлари, фонетик ходисалар ва уларнинг кўринишлари;
- тожик тилида ургу, бўгин ва уларнинг турлари;

- тожик графикаси тараққиёти; имло масалалари;
- тожик имлосининг асосий қоидалари; тожик адабий тилининг орфоэпик тизими.
- *назарий грамматика*: тожик тилининг морфема структураси; морфемалар таснифи ва хусусиятлари; сўз ясалиш тизими;
- тожик тили сўз ясалиш тизими бўйича қарашлар;
- морфология – сўз шакллари ҳақида таълимот;
- сўзларни туркумларга ажратиш асослари;
- сўз туркумларига хос грамматик категориялар;
- грамматик шакл ва грамматик маъно тушунчалари;
- тожик тилининг синтаксис тизими; сўз бирикмаси ҳақидаги қарашлар;
- сўз, гап, сўз бирикмаси муносабатлари; содда гап синтаксиси;
- қўшма гап синтаксиси; синтаксисда парадигматика ҳамда синтагматика;
- синтаксисга формал-функционал ва мазмуний ёндашув;
- семасиология; лексикология; сўз маъноларининг тараққиёти;
- луғавий бирликларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра гуруҳланиши;
- омонимлар, синонимлар, антонимлар;
- атамалар тизимининг шаклланиши, луғатчилик тараққиёти;
- тиниш белгилари ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари;
- тиниш белгилари ва гап қурилиши хусусияти ўртасидаги боғланиш;
- тожик адабий тилининг меъёрий шаклланиши; адабий тил меъёри тушунчаси;
- нутқ услублари, унинг адабий тил меъёрларига муносабати;
- нутқ услублари таснифи, услуб турларининг қўлланиш хусусиятлари;
- нутқ услубларининг тил материаллари: лексикаси, грамматик шакллари;
- услубларда тил бирликларининг имкониятлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- *амалий фонетика*: тожик тили нутқ товушлари таснифи;
- талаффузда юз берадиган фонетик ходисалар; товуш ва харф муносабати таҳлили;
- акцентуация, интонация ва бошқалар билан боғлиқ ходисалар;
- ҳозирги тожик адабий тилининг тушунчавий – терминологик апаратини;
- тожик тили сатҳининг асосий хусусиятларини;
- тожик тили грамматикасининг илмий-тадқиқ парадигмасини;
- *амалий грамматика*: сўз таркиби таснифи, сўзнинг маъноли қисмларга ажратиш, морфемаларнинг функционал-семантик, структуравий, позиция тавсифи;
- грамматик маъно ва грамматик шакллардаги алоқадорликларни фарқлаш;
- грамматик категориялар оппозицияси, синонимияси; сўз туркумларини ажратиш, уларнинг гапдаги вазифасини белгилаш тамойиллари, сўз туркумларининг кўчиши;
- сўз бирикмаси ва сўзларнинг грамматик муносабатга киришиш йўллари, сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа типларини ажратиш;
- гап тузилиши ҳамда гап турларининг таҳлили;
- *амалий стилистика*: услубларда тил бирликларининг қўлланилиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- нутқ услублари ўртасида фарқлар ва умумийлик;
- нутқ вариацияси ва синонимиясини;
- турли матнлар тадқиқида қиёсий-чоғиштирма методлар;
- тил бирликлари қўлланилишида умумий ҳамда хусусий томонлар;
- нутқ услубларининг лингвистик таҳлилин;
- тожик классик адабий тили асосчисини;
- тожик классик адабий тили тараққиётига ҳисса қўшган олим ва адибларни;
- тожик классик адабий тили ҳақидаги изоҳли луғатларни

- hozirgi tojik adabiy tilining asosiy qoidalari, tushunchalari, konunlari, tarixiy tarakkiёti, uslubiy йўналишларини;
- hozirgi tojik adabiy tilining fonologiya, fonetika, morfologiya, sintaksisini;
- grafika, orfoqrafia, orfoэpia, punktuatsiyalarini;
- hozirgi tojik adabiy tilining ijtimoiy-siёсий аҳамиятини *билиши ва фойдалана олиши*;
- сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик хусусиятларини аниқлаш;
- сўз бирикмалари ва гапларнинг тузилишини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- услубий синонимия; расмий-идоравий услубнинг такомил масалалари;
- услубларнинг қиёсий ўрганилиши, уларда қўлланган воситалар тадқиқи;
- фонологик таҳлил кўникмаси ва малакасини шакллантириш;
- имло ва орфоэпия муносабатидаги умумий ҳамда хусусий жиҳатлар, уларнинг адабий тил меъёрига муносабатини аниқлаш;
- кўшма гапларни семантик-функционал тавсифлаш ва таҳлил этиш;
- сўз бирикмаси ва сўзларнинг грамматик муносабатга киришиш йўллари, сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа типларини ажратиш;
- гап тузилиши ҳамда гап турларининг таҳлили хақида *кўникмаларга эга бўлиши лозим.*

6.2.3.2. Тожик тили тарихи фани бўйича

Бакалавр:

- тожик тили тарихи фанининг асосий мақсад ва вазифалари;
- қадимги тожик тилининг предмети;
- хинд-аврупо тиллари оиласи ва унда тожик тилининг ўрни;
- «Авесто», скиф ва модий тиллари хусусиятлари;
- паҳлавий, бохтарий, суғдий ва хоразмий тилларининг эроний тилларнинг ўрта даврига мансублиги ва уларнинг грамматик хусусиятлари;
- «Авесто» тили хақида маълумот;
- «Авесто» тилининг грамматикаси;
- «Авесто» тилида падежлар ва феълнинг ўрни;
- эроний тилларининг ўрта даври;
- Суғдиёна, Бохтария давлатлари ва уларнинг тиллари;
- хоразмий тилида феъл системаси;
- тожик адабий тилининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш босқичлари *хақида тасаввурга эга бўлиши*;
- қадимги ва ўрта давр эроний тилларининг ёзувлари;
- «Дарахти асурий» ва «Ёдгори Зарирон» дostonларининг тил хусусиятлари;
- парфиёний тилининг ривожланиши;
- суғд тилининг асосий манбалари ва грамматик тузилиши;
- муғ калъаси топилмалари ва уларнинг ўрганилиш даражаси;
- рус шарқшунос олимларининг суғдий тилдаги ёдгорликларни ўрганишдаги хизматлари;
- хоразмий тилининг ёзма манбалари;
- Сомонийлар даврида форсий-дарий тили деб аталадиган адабий тилнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон худудида пайдо бўлиши;
- дарий-форсий тилнинг ғарбий Эрон ва бошқа худудларга тарқалиши;
- X-XVI асрларда форс-тожик адабий тилининг юксак даражада тараккий этиши;
- улкан шоир ва ёзувчиларнинг форс-тожик адабий тили тараккиётидаги ўрни;
- форс-тожик тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларини *билиши ва фойдалана олиши*;

- қадимги ва ўрта даврдаги ёзма ёдгорликларини ўқиш ва ўрганиш;
- қадимги форс тилида синтаксис ва услуб масалаларини ҳозирги адабий тил грамматикаси билан қиёслаш;
- қадимий классик ёзма манбалар ва матнларни ҳозирги ёзувга ўгириш уларни таккослаш;
- парфий, суғдий, хоразмий, бохтарий тилларининг грамматик хусусиятлари бу тилларда падеж ва сон категорияларини ҳозирги адабий тил грамматикаси билан қиёслаш;
- суғд тилининг ёзма ёдгорликларини ўқиш, таҳлил қилиш;
- Самарқанд Афросиёбидан топилган суғд битикларини ўқиш ва таҳлил қилиш;
- сомонийлар даври ва ундан кейинги даврларда яратилган форсий-дарий тиллардаги матнларни таҳлил қилиш ҳақида *кўникмаларга эга бўлиши лозим.*

6.2.3.3 Тилшунослик назарияси фани бўйича

Бакалавр:

- тилшунослик назариясининг бошқа фанлар орасидаги ўрни;
- тилшунослик назарияси фани предмети;
- тилшунослик фанининг вужудга келиши;
- тилнинг ижтимоий ходиса сифатида амал қилиши;
- тил фикр ифодалашнинг воситаси эканлиги;
- тилнинг ижтимоий вазифалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- тил ҳақидаги фаннинг ички қурилиши;
- тилшунослик фанининг тушунчавий терминологик аппарати;
- тилларнинг умумий ва хусусий томонлари;
- тил ва тафаккур; тил ва нутқ ҳақидаги тушунчалар; тилга оид таълимотлар эволюцияси;
- қиёсий-тарихий тилшуносликнинг юзага келиши;
- тилшунослик объекти, тилнинг ички (структуравий) бўлиниши, функцияланиши, тарихий тараққиёти, семиотик табиати, лисоний универсалиялар;
- тилшунослик назарияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси;
- жаҳоннинг машҳур тилшунослари ва уларнинг тадқиқотларини *билиши ва фойдалана олиши;*
- лисоний тадқиқот анъаналари;
- тилшунослик мактаблари;
- тил фанининг методлари, тадқиқот парадигмалари;
- умумий тилшуносликнинг етакчи муаммолари;
- ҳозирги тилшуносликнинг долзарб масалалари;
- тилларнинг генетик, типологик ва ареал таснифлари тамойиллари;
- графика; орфография; орфоэпия; пунктуация; фонетика;
- фонология; морфология; морфемика;
- сўз ясалиши; морфологик; синтаксис; сўз бирикмаси; гап; синтактик категорияларнинг амалдаги тадбиқи ва қиёсий ўрганилиши;
- матн; лексика; семантика илмлари ва уларнинг асосий парадигмалари ҳақида *кўникмаларга эга бўлиши лозим.*

6.2.3.4. Шарқ тили (араб ва форс) фани бўйича

Бакалавр:

- араб ва форс хат турлари, уларнинг пайдо бўлиши ва манбалари;
- араб ва форс мумтоз адабиёти намуналари ва қўлёзмалари;
- араб ва форс тилининг грамматикаси ва соҳага оид атамалар;
- араб ва форс тили ва ёзувининг шаклланиш тамойиллари ва тарихий босқичлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- мустақил йўналишли таълимни ўз ичига оладиган: классик (мумтоз) ва замонавий тил хусусиятларини;
- классик тил йўналиши, араб ёзувидаги китобларни ва уларга битилган шарҳларни (турли ёзувлари билан) ўқиш, таржима ва таҳлил қила олишни камраган, замонавий тилни, ҳозирги замонавий расмий тилдаги адабий, диний, фалсафий ва сиёсий матнлар билан ишлашни ҳамда расмий ва кундалик мавзуларда эркин суҳбат юртишни;
- араб ва форс тилининг хусниҳат услубларини;
- компьютер ва замонавий ўқитиш техник воситаларининг араб ва форс тилига доир имкониятларидан кенг фойдалана олишни;
- мумтоз наср ва назмда қўлланилган умумий услубларни;
- араб ва форс тилининг грамматик қоидаларида ишлатилишини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- араб ва форс тилларидан чуқур назарий билимга эга бўлган ҳолда оғзаки ва ёзма билимларни ишлата билиш;
- классик ҳамда замонавий араб ва форс адабий тилларидаги матнларни эркин ўқиш, таҳлил қилиш, тушуниш ва тилшунослик ва адабиётшуносликка оид масалаларни ҳал этишда улардан фойдалана олиши;
- араб ва форс тилда сўзлаша олиши ва мулоқот қилиши;
- маҳсус хат машқларини билиши, араб ва форсийзабон мутахассислар билан мулоқот қила олиши;
- бадийят фанига оид манбалар билан ишлаш, бадийматнларни мустақил таржима қила олиш, турли адабиётлардан соҳаларга оид мавзуларни ажрата олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.5. Тоҷик диалектологияси фани бўйича

Бакалавр:

- тоҷик диалектологиясининг объекти, соҳалари, маҳаллий диалектлар,
- диалектологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги;
- тоҷик диалектларининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари;
- диалектларни таснифлаш тамоюллари;
- тоҷик диалектологияси фанининг мақсад ва вазифалари, унинг предмети;
- тоҷик диалектологиясининг ўрганилиш даражаси;
- тоҷик диалектологиясини ўрганиш методлари;
- тоҷик тили шеваларининг тарқалаш ва географик ҳудудлари;
- шеваларнинг фонетик – грамматик хусусиятлари;
- шева ва адабий тил муносабати;
- тоҷик тилининг шимолий, жанубий, жанубий-шарқий ва марказий шевалари, уларнинг асосий хусусиятлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- шева ва адабий тилнинг фаркли жиҳатлари;
- шеванинг адабий тилга асос бўлмаслиги;
- тоҷик тилида шеваларнинг ўзаро боғлиқликлари, ўхшашлик хусусиятлари, фарқлари;
- тоҷик тили шеваларини таснифлаш тамойиллари;
- карталар туза олишни;
- диалектологияда қўлланиладиган транскрипцияларни амалиётда қўллашни;
- диалектологик матнларни таҳлил этиш ва уларнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини
- тоҷик тили шеваларининг ўзига хос хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- тоҷик шевалари фонетикаси, грамматикаси ва лексикаси хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш;

- шева материалларини тўплаш, саралаш ва таҳлил қилиш;
- шевага хос матннинг фонетик, лексик ҳамда грамматик белгиларини фарқлаш;
- шева материалларини илмий ўрганиш усулларини амалда қўллаш;
- тилшунос олимларининг тожик шеваларини ўрганишдаги хизматлари ва уларнинг ишлаш принциплари;
- тожик шевашунос олимларининг шевашунослик илмидаги хизматлари ва уларнинг асосий тадқиқот методлари;
- шеваларни ёзиб олиш транскрипцияси;
- тожик шеваларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни таснифот қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.6. Қиёсий-тарихий грамматика фани бўйича

Бакалавр:

- эроний тилларнинг қиёсий-тарихий граматикаси фанининг предмети, мақсад ва вазибалари;
- эроний тилларнинг хинд-аврупо тиллари оиласига мансублиги ва тожик тилининг ундаги ўрни;
- эроний тилларнинг қиёсий-тарихий ўрганиш метод ва усуллари;
- тилларнинг грамматик тузилиши;
- қадимги форс тили унинг асосий хусусиятлари;
- эроний тилларнинг таснифи;
- эроний тиллар оиласи тўғрисида;
- энг қадимги ўрта давр эроний тиллари;
- эроний тилларнинг ўзаро яқинлик ва фарқлари;
- замонавий эроний тилларнинг фонетик-грамматик хусусиятларини қиёслаш асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- қадимги, ўрта ва ҳозирги эроний тилларнинг ижтимоий мавқеи ҳамда таракқиёт йўлларини;
- эроний тилларнинг қиёсий-тарихий ўрганиш метод ва усулларини;
- эроний халқлар тили ва адабиётининг қадимги, ўрта ва янги давр тилларида яратилган намуналарини;
- қадимги эроний тилларида одан ясалган нутқ бўлаклари, сифат ва олмош;
- феълнинг қадимги форс тилидаги ўрни;
- феълларнинг морфологик хусусиятлари;
- тилларнинг морфемикасини;
- сўз ясаиш тизимини;
- тилларнинг грамматик формаларини;
- эроний халқлар тилининг грамматик хусусиятларини;
- эроний тиллар ўрта даврининг фонетик тизими, морфологик структураси, улардаги мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, сўз ясаиш эволюцияси ҳамда сўз бирикмаларини *билиши ва ундан фойдалана олиши;*
- эроний халқларнинг қадимги ўрта даврдаги ёзма ёдгорликларини ўқиш ва ўрганиш;
- қадимги форс тилида синтаксис ва услуб масалаларини ҳозирги адабий тил граматикаси билан қиёслаш;
- қадимий классик ёзма манбалар ва матиларни ҳозирги ёзувга ўгириш уларни таққослаш;
- эроний тиллардаги сўзларнинг тузилишини;
- ўзак ва аффиксларни;
- сўз туркумлارининг умумий хусусиятларини;

– парфий, сугдий, хоразмий, бохтарий тилларининг грамматик хусусиятлари бу тилларда падеж ва сон категорияларини hozirgi адабий тил граматикаси билан қиёслаш;

– лингвистик изланишлар натижаларини таҳлил қилиш ва улар бўйича *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.7. Тожиқ мумтоз адабиёти тарихи фани бўйича

Бакалавр:

– тожиқ мумтоз адабиётининг шаклланиш омиллари, таракқиёт босқичлари ва тожиқ халқи маданияти тарихидаги ўрни;

– тожиқ мумтоз адабиёти тарихини даврлаштириш соҳасидаги тажриба ва баҳслар;

– қадимги давр адабиёти ва унинг ёзма ёдгорликлари;

– IX-XII аср адабиётининг асосий хусусиятлари, ғоявий йўналиши ва йирик вакиллари;

– муғуллар босқини даври тожиқ адабиёти ва янги адабий марказларнинг юзага келиши;

– XIV – XV асрларда тожиқ адабиётининг юқори чўққига кўтарилиши ва унинг йирик вакиллари;

– анъана ва янгиликлар даври адабиётининг асосий хусусиятлари;

– тожиқ мумтоз адабиётининг асосий мавзулари, ғоявий йўналиши ва жанрий хусусиятлари;

– тожиқ мумтоз адабиётида асосий йўналишлар, адабий мактаб ва ижодий услублар;

– адабиётларнинг ўзаро таъсири ва алоқаси;

– тожиқ мумтоз адабиёти тарихининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– тожиқ мумтоз адабиётининг шалланиш даври, ривожланиш босқичлари ва таракқиёт қонуниятларини;

– йирик вакилларининг ҳаёти ва фаолиятини;

– асосий мавзулари, ғоявий йўналиши, бадиий – эстетик аҳамияти ва жанрий хусусиятларини;

– бадиий асарлардан намуналарни мутолаа этиб, уларнинг мазмунини англаши ҳамда ёзма ва оғзаки тарзда баён этаолиш кўникмасига эга бўлиши;

– насрий ва назмий адабий асарлардан парчаларни ёд олиши ва унинг замиридаги маънони илғаш;

– бадиий асарларнинг эстетик – эмоционал моҳиятини қалбан ҳис этаолиши;

– бадиий асар қаҳрамонлари ҳатти-ҳаракатлари, ички олами, туйғуларини англай олиши ва унга ўз муносабатини билдира олиши;

– адабиётнинг сўз санъати эканлиги ва ундаги бадиий тасвир воситаларини топа олиши;

– мумтоз адабиёт тарихига бағишланган илмий тадқиқот асарларининг мазмун моҳиятини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*

– мумтоз адабиёт асарларидаги ахлоқий ва маънавий–маърифий моҳиятни англай олиши, ундаги инсоний туйғулар ва ҳиссий кечинмалар хусусида хулосалар чиқара олиши;

– тожиқ мумтоз адабиётининг шалланиш даври, ривожланиш босқичлари ва таракқиёт қонуниятлари;

– бадиий асарлардан намуналарни мутолаа этиб, уларнинг мазмунини англаши ҳамда ёзма ва оғзаки тарзда баён этаолиш кўникмасига эга бўлиши;

– насрий ва назмий адабий асарлардан парчаларни ёд олиши ва унинг замиридаги маънони илғаш;

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT VA MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JURIY ETISH BOSHQARMASI

- бадий асарларнинг эстетик – эмоционал моҳиятини қалбан ҳис этаолиши;
- бадий асар қаҳрамонлари хатти-харакалари, ички олами, туйғуларини англай олиши ва унга ўз муносабатини билдира олиши;
- адабиётнинг сўз санъати эканлиги ва ундаги бадий тасвир воситаларини топа олиши;
- бадий ижод намуналарини талқини ва таҳлили;
- ижодкор услубини аниқлаш;
- илмий асарлар, адабий-танқидий мақолаларда ўртага қўйилган масалаларни аниқлаш;
- тожик мумтоз адабиётининг ҳозирги даврдаги маънавий-маърифий ва инсон камолотини шакллантиришдаги аҳамиятини англаш ва амалда қўллаш;
- мустақил илмий матн ёзиш;
- тожик мумтоз адабиётининг жанр хусусиятлари, услублар рангбаранглиги, тарихий босқичлардаги эврилиши;
- тожик мумтоз адабиётининг шаклланиш тамойиллари ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ ва таҳлил этиш;
- антик давр адабиёти ва мифологияларни ўрганиш бўйича;
- мумтоз адабиётда тасаввуф таълимотининг ўрни ва поэтик санъатлари бўйича *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.8. Миллий уйғониш даври тожик адабиёти фани бўйича

Бакалавр:

- миллий уйғониш даври адабиётини даврлаштириш ҳақидаги мулоҳазалар ва унинг ўрганилиш даражаси;
- илк мустамлакачилик даври адабиётининг асосий хусусиятлари;
- тожик маърифатпарварлик адабиётининг асосий омиллари, ғоявий йўналиши, жанрий хусусиятлари ва вакиллари;
- жадидчилик ҳаракати, жадид адабиётининг шаклланиш омиллари ва асосий хусусиятлари;
- жадид адабиётининг йирик вакиллари ҳаёти ва ижодиёти;
- жадид адабиётда миллий истиқлол ғояларининг ифодаланиши;
- шўролар даври ва жадидчилик ҳаракатига муносабат;
- Миллий истиқлол мафқураси ва маърифатпарварлик адабиёти *ҳақида тасаввурга эга бўлиши.*
- XIX асрнинг II ярмидаги тарихий шароит ва маданий – адабий ҳаётда юз берган ўзгаришларни;
- тожик маърифатпарварлик адабиётининг шаклланиши, асосий ғоявий йўналиши ва йирик вакиллари ижодиётини;
- тожик маърифатпарварлик адабиётининг ижтимоий ва маънавий – маърифий аҳамиятини;
- жадид адабиётининг шаклланиш омиллари, ғоявий йўналиши, жанрий хусусиятлари ва йирик вакиллари;
- XX аср бошлари тожик адабиётда юз берган кескин ўзгаришлар ва янги адабиётнинг шаклланишини *билиши ва ундан фойдалана олиши.*
- миллий уйғониш даври адабиёти вакиллари асарларини таҳлил ва талқин этиш;
- бадий асарларнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий хусусиятларини аниқлаш ва очиб бериш;
- маърифатпарварлик ғояларини адабиёт вакиллари ижод намуналарида ажрата олиш ва шарҳлаш;

– жадид адабиётининг янги ижтимоий тафаккурнинг юзага келишидаги ўрни ва унинг ҳозирги даврдаги маънавий – маърифий ва ахлокий – тарбиявий аҳамиятини амалда кўрсата билиш;

- маърифатпарварлик адабиёти вакилларининг ижодий принципларини белгилаш;
- тожик маърифатпарварлик адабиёти, миллий жадидчилик адабиёти, эрон маршрутият даври адабиёти, турк танзимат даври адабиётини бир бирига таккослаш, уларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш ҳақида *кўникмаларга эга бўлиши керак.*

6.2.3.9. Янги тожик адабиёти фани бўйича

Бакалавр:

– янги тожик адабиётининг шаклланиш даври, таракқиёт босқичлари ва асосий хусусиятлари ҳақида;

- янги тожик адабиётининг ижодий методи ва йирик намояндалари ҳақида;
- шўролар даври мафкураси ва унинг бадиий адабиётга таъсири ҳақида;
- ижтимоий – сиёсий ва мафкуравий курашлар даври адабиётининг мавзу, гоёвий йўналиши ва йирик вакиллари ижодиёти ҳақида;

– қайта қуриш ва миллий мустақиллик даври адабиёти ҳақида;

– бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг бошқа санъат турларидан фарқи *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- янги давр тожик адабиётининг таракқиёт босқичларини;
- янги тожик адабиётининг асосий хусусиятлари, ижодий методи, гоёвий йўналиши ва етук намуналарини;

– алоҳида ёзувчилар ижодиёти ва уларнинг асосий хусусиятларини;

– янги давр тожик адабиётидаги шаклий ва мазмуний ўзгаришларни;

– адабиётдаги лирик, эпик, драматик асарлар хусусиятларини;

– энг янги асарлар матнини, гоёвий-бадиий ва маънавий-маърифий аҳамиятини;

– Миллий истиқлол мафкураси ва мафкуравий тазйиклар даври адабиётига янгича муносабатлар;

– янги даврда миллий адабиёт шаклланиши тамойилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*

– ҳозирги тожик адабиётининг энг яхши намуналари таҳлили;

– бадиий ва танқидий асарлар таҳлили;

– вақтли матбуот материаллари мазмун ва моҳиятини аниқлаш;

– янги тожик адабиёти таракқиётини даврлаштириш тамойиллари ва муаммолари ҳақида;

– бадиий асарларни таҳлил қилиш;

– Миллий мафкура ва бадиий ижод масалалари;

– ҳозирги замон адабиёт вакилларининг ижодий йўналишларини аниқлаш бўйича

кўникмаларга эга бўлиши керак.

6.2.3.10. Жаҳон адабиёти тарихи фани бўйича

Бакалавр:

– жаҳон халқлар адабиёти тарихий босқичлари;

– жаҳон адабиёти тарихида адабий-ижодий методлар;

– жаҳон халқлар адабиётининг таракқиёт тамойиллари;

– жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари ижоди;

– жаҳон адабиётида адабий жараёнлар, анъаналар, мактаблар, йўналишлар;

– жаҳон адабиётининг форс-тожик адабиётидаги таъсир доираси *ҳақида*

тасаввурга эга бўлиши.

– антик давр адабиёти хусусиятлари;

– қадимий Юнон, Рим адабиётининг муҳим хусусиятлари;

– жаҳон адабиётида уйғониш ва маърифатпарварлик адабиётининг назарий асослари;

– XIX аср жаҳон адабиётида реалистик тамойиллар;

– XX аср жаҳон адабиётининг асосий концепцияси, модернизм, экзистенциализм ва бошқа адабий йўналишлар;

– жаҳон адабиёти йирик вакилларининг бадий ижод намуналарини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*

– Ғарб ва Шарқ адабиётининг қиёсий талқини;

– жаҳон халқлари адабиётидаги бадий матн талқини;

– жаҳон адабиётидан олган билимларини амалий фаолиятда татбиқ этиш;

– жаҳон адабиёти вакиллари асарларини таҳлил ва тадқиқ этиш;

– жаҳон адабиёти янги адабий жараёнлар ва оқимларни аниқлаш;

– жаҳон адабиётининг машҳур адиблари ижод намуналарини тожик адабиёти вакиллари ижод намуналари билан қиёслаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.11. Адабиётшунослик назарияси фани бўйича

Бакалавр:

– мумтоз Шарқ ҳамда ҳозирги замон адабий-назарий тафаккур маҳсули;

– адабиётшуносликнинг назарий масалалари ва таркибий қисматлари;

– адабиётшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси ва бадий таҳлилдаги ўрни;

– адабиётшунослик илмининг мақсад ва вазифалари, предмети;

– адабиёт назарияси илмининг асосий муаммолари ва масалалари;

– адабий тур ва жанрлар;

– адабий жанрларнинг шаклланиш тамойилла, умумназарий ва тарихий асослари

ҳақида тасаввурга эга бўлиши.

– адабиётшунослик илмининг тарихий негизларини;

– адабиёт назарияси асослари ва унинг мақсад ва вазифаларини;

– адабий тур ва жанрларининг асосий хусусиятлари;

– адабий йўналиш ва ижодий метод масалаларини;

– бадий услуб ва поэтика асосларини;

– бадий асарнинг поэтик таҳлилин *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– адабиёт тарихига оид назарий адабиётларни таҳлил қила олиш;

– адабиётшуносликнинг таҳлил методларидан фойдалана олиш;

– адабиётда жанрлар ва турларни бир биридан фарқлай олиш;

– бадий тасвир воситалари, лафзий ва маънавий санъатлар, асарнинг мазмуний ва шаклий унсурларини аниқлаш ва таҳлил этиш;

– бадий асарларнинг жанрий хусусиятларини аниқлаш;

– бадий асар таҳлили асосида ижодкорнинг ижодий услубларини аниқлаш;

– миллий истиклол даври мафқураси ва бадий ижоднинг долзарб муаммолари

тўғрисида;

– илмий-назарий асарларни конспект қилиш;

– адабий турлар ва жанрларнинг умуназарий ва тарихий негизларини таҳлил қилиш ва ўрганиш бўйича *қўникмаларга эга бўлиши лозим.*

6.2.3.12. Тожик адабий танқидчилиги тарихи фани бўйича

Бакалавр:

– тожик адабий танқидчилик фанининг мақсад ва вазифалари, унинг предмети;

– тожик адабий танқидчилиги тарихи ва унинг асосий шаклланиш босқичлари;

– адабий танқидчиликнинг илмий-назарий асослари;

– адабий танқидчиликка оид айрим илмий-назарий асарлар;

– танқид ва адабиётшуносликнинг энг жиддий ютуқлари бўйича;

– адабий танқиднинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида;

- адабий танкиднинг асосий йўналишлари ва танкид маданияти борасида;
- касбий танкидчилик, ижодий танкидчилик, хаваскорлик танкидчилик;
- адабий танкиднинг жанрлари;
- танкидчиликнинг адабиётшуносликдан фарклари;
- тожик адабий танкидчилиги ва адабиётшунослигининг йирик намояндalarива уларнинг илмий тадқиқот ишлари;
- адабий танкид илмининг асосий йўналишлари ва тадқиқ методлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- тожик адабий танкидчилик фанининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари;
- адабий танкидчиликнинг ўзига хос хусусиятлари;
- мумтоз адабиёт тарихи ва адабий танкидчилик;
- ўрта асрлар адабий танкидчилигининг асосий хусусиятлари, ифодаланиш шакл ва усуллари, сифатан янгилана бориши;
- адабий танкиднинг асосий йирик сиймолари;
- янги тожик адабий танкидининг шаклланиши;
- маорифпарварлик адабиётида адабий-танкидий фикрлар;
- шўролар даври адабий танкиди ва унинг ютук ва камчиликлари;
- тожик мунаққидлари ва уларнинг мазкур илмнинг ривожланишидаги хизматлари;
- адабий танкидчиликда шакл ва услублар хилмахиллиги;
- ҳозирги замон тожик адабий танкидчилиги ва унинг шаклланиш тамойилларини **билиши ва улардан фойдалана олиши.**
- касбий танкидчилик хусусиятлари бу борадаги талаблар;
- ижодий танкидчилик ва унинг асосий хусусиятлари;
- бадий асарни мутолаа қилиш ва тегишли ҳукмлар, хулосалар чиқариш;
- танкидчиликнинг асосий йўналишлари асосида янги нашр этилган асарларни таҳлил ва тадқиқ этиш;
- тақриз, мактуб, рисола, мақола, мунозара, адабий портрет яратиш муаммолари ва уларнинг тузилиши, жанрий хусусиятларини аниқлаш;
- бадий асарнинг адабий, тарихий, ахлокий, эстетик қийматини аниқлаш тамойиллари;
- қўлёзма ва тош босма манбалардан фойдалана олиш;
- тақриз ва мақола ёзиш;
- шоир ва ёзувчиларнинг поэтик маҳоратини аниқлаш ва унга баҳо бера олиш;
- бадий асарлар таҳлили жараёнида танкидчиликнинг асосий тамойиллари ва йўналишларини амалда тадқиқ этиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.13. Тожик халқ оғзаки ижодиёти фани бўйича

Бакалавр:

- тожик халқ оғзаки ижоди фанининг мақсад ва вазифалари, унинг предмети;
- тожик халқ оғзаки ижодининг энг қадимги даврларга мансублиги ва манбалари унинг шаклланиш омиллари;
- тожик халқ оғзаки ижодининг энг қадимги, ўрта аср ва янги давр намуналари;
- қадимги кўшиқ, асотир ва ривоятлар ва уларнинг бошқа халқлар оғзаки ижоди билан ўхшашликлари;
- тожик халқ оғзаки ижод намуналарининг жанрлари ва ифодаланиш шакллари;
- воҳаларда халқ оғзаки ижодиётининг асосий хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- тожик халқ оғзаки ижодиётининг жанрий хусусиятлари;
- тожик халқ оғзаки ижоди жанрларини бир-биридан ажрата олиши, ҳар бир жанрнинг ўзига хослигини изоҳлай олишни;

- ўрта асрлар халқ оғзаки ижоди жанрлари типологияси хақида;
- халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт;
- халқ дostonчилиги ва куйчилари;
- ҳозирги замон халқ оғзаки ижод намуналарини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*
- тожик халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари, ёзма адабиёт намунаси-дан халқ оғзаки ижод намуналарини фарқлаш;
- халқ оғзаки ижодиёти асарларининг гоёвий ва бадиий жиҳатдан таҳлил эта олиш, образлар тизимига тавсиф бера олиш бўйича;
- оғзаки ижод асарларини илмий талабларга биноан ёзиб олиш ва унинг паспортини тўлдириш бўйича;
- умумтаълим мактабларининг даврий дастурларида қайд этилган оғзаки ижод намуналарини синфлар бўйича адабий ўқитиш талабларига биноан ўқитувчиларга ўргатиш тажрибасини эгаллаши бўйича *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.14. Ҳозирги адабий жараён фани бўйича

Бакалавр:

- ҳозирги адабий жараён фанининг мақсад ва вазифалари, унинг предмети;
- миллий мустақиллик мафқураси ва ҳозирги адабий жараённинг асосий тамойил-лари;
- форс-тожик адабий жараёнларининг тарихий негизлари;
- ҳар бир адабий жараённинг ўзига хос хусусиятлари;
- ҳозирги адабий жараённинг ижтимоий-сиёсий ва адабий-маънавий асослари;
- ҳозирги адабий жараённинг ўзига хос хусусиятлари;
- ҳозирги адабий жараённинг гоёвий-тематик, жанрий-услубий ва бадиий йўналишлари;
- жаҳон халқлари адабий жараёнларининг муҳим жиҳатлари;
- янги адабий жараёнлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари, мавзу ва гоёвий йўналиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- ҳозирги адабий жараёндаги сифат ўзгариши ва унинг ифодаланиш шакл ва жанрлари;
- ҳозирги адабий жараёнга хос қонуният ва бадиий – эстетик кашфиётлар;
- адабий жараёнларнинг вужудга келиш тамойиллари ва қонуниятлари;
- ҳозирги тожик адабиётининг гоёвий йўналиши, мавзулар доираси ва жанрий хусусиятларидаги янгиланишлари;
- мустақиллик давридаги лирик асарларнинг поэтик хусусиятини;
- мустақиллик давридаги ҳикоя жанрининг ўзига хос ривожланиш хусусиятларини;
- ҳозирги қисса жанрининг гоёвий-тематик йўналишларини;
- ҳозирги роман жанри ривожланишининг айрим муаммоларини;
- ҳозирги адабиётдаги драматик асарлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятла-рини *билиши ва улардан фойдалана олиши.*
- ҳозирги тожик адабий жараённинг йирик вакиллари ва уларнинг бадиий ижоддаги адабий-эстетик қарашларини ифода этувчи асарлари;
- тарихий давларнинг адабий жараёнлари ва улар асосида яратилган асарларни ажрата олиш ва таҳлил қилиш;
- ҳар бир адабий жараённинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни фарқлай олиш;
- адабий жараёнлар мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бадиий асарларни таҳлил ва талқин қилиш;
- ҳозирги замон адабий жараёнларининг асосий йўналишларини белгилаш;

- hozirgi adabiy jaraёnni tadqiq etishning ahamiyatli masalalarini echiш;
- hozirgi adabiy jaraёnga mansub badiiy asarlarни talqin etish йўllарини билиши ва уларни амалиётда қўллашбўйича *қўникмаларига эга бўлиши лозим*;

6.2.3.15. Тожик тили ва адабиётини ўқитиш методикаси фани бўйича

Бакалавр:

- тожик тили ва адабиёт ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари;
- тожик тили ва адабиётини ўқитишнинг принциплари ва методлари;
- тожик тили ва адабиётини ўқитиш назарияси ва амалиётининг мазмуни ва моҳияти;
- тил ва адабиёт ўқитишнинг тарихий ва назарий асослари;
- янги таълим технологияларнинг тил ва адабиёт ўқитишда қўлланилиш тамойиллари ва услублари;
- анаъанавий ва ноанъанавий таълим методлари;
- таълим жараёни, унинг тузилиши, таркиби, таълим жараёнида амалда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар;
- ахборот коммуникацион технологиялар;
- таълим воситалари ва унинг турлари;
- таълим методлари ва принциплари;
- тожик тили ҳамда адабиёт ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- она тили ва адабиёт ўқитишнинг мақсад ва вазифаларини;
- она тили ва адабиёт таълимини режалаштириш йўлларини;
- она тили ва адабиёт дарсларининг турларини;
- анъанавий ва ноанъанавий дарслар мазмун ва моҳиятини;
- дарс моделлари ва уларнинг шаклларини;
- таълим дастурлари, унинг тузилиши, таркибини;
- тожик тили ва адабиёти фанларидан ёзма ишлар шаклларини;
- талабаларнинг билимини баҳолаш мезонларини;
- тожик тили ҳамда адабиётдан замонавий дастурлар ва дарсдан ташқари машғулотлар мазмунини *билиши ва улардан фойдалан олиши*;
- она тили ва адабиётдан иш режаларни туза олиш;
- она тили ва адабиёт дарсларининг режа конспектини туза олиш;
- намунавий ва ишчи дастурлар тузиш;
- таълим жараёнини тўғри йўлга қўйиш;
- талабаларнинг ёзма ишлари ва билимини баҳолаш мезонлари;
- дарснинг янги моделлари ва анъанавий моделини амалда қўллай олиш;
- ноанъанавий таълим усуллари ва методларини амалда қўллай олиш;
- янги таълим технологиялари асосида дарс машғулотларини ташкил этиш;
- тожик тили ва адабиёти таълими жараёнида таълим соҳасининг асосий тамойилларини татбиқ этиш;
- дарс машғулоти ва назорат ишларини таҳлил қила олиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Умумий психология фани бўйича

Бакалавр:

- психологиянинг табий ва ижтимоий фан сифатида талқин қилиниши;
- психологиянинг соҳалари;
- психология ва фалсафанинг ўзаро алоқаси;
- психология ва илмий-техник тараққиёт;

U'ZBEKISTAN AGENTLIGA
TAYDORLASHTIRISH, DAVLAT
TARJUMANLIK VA TAYDORLASHTIRISH VA
YUBOQT TEXNOLOGIYALARINI
TARJUMANLIK QILISH FOS-QARMASTI

– педагог фаолиятида психологиянинг етакчи аҳамиятга эга эканлиги **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- психика тирик мавжудоднинг объектив борликни ақс эттириш шакли эканлиги;
- психика ва онг муносабати;
- улуғ мутафаккирларнинг психологик қарашлари;
- психологиянинг ўрганиш методлари;
- фаолият ва мотивлар, фаолиятнинг асосий турлари;
- рефлексия назарияси;
- одам психикасининг пайдо бўлиши;
- одам психикасининг онтогенез тараккиёти;
- юксак психик функцияларининг таркиб топиши;
- мотивация соҳалари;
- иродавий ҳаракатлар ва уни бошқариш;
- индивид, шахс, индивидуаллик;
- шахс фаолияти;
- шахсни экспериментал тадқиқ қилиш методлари;
- мулоқот ва унинг кўп мақомли характери;
- нутқ ва унинг функциялари;
- диққат, унинг физиологик механизмлари, турлари;
- сезги ва идрокнинг физиологик асослари;
- хотира назарияси;
- хаёл ва унинг турлари;
- тафаккур ва хиссий билиш;
- темперамент назарияси, типлари;
- характер ва унинг бошқа психологик ҳодисалар билан боғлиқлиги;
- қобилиятнинг сифат ва миқдор характеристикасини **билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши;**

– шахс (ўқувчи)нинг психологик хусусиятларини ўрганувчи метод ва технологиялар;

- ўқув жараёнини бошқариш;
- экспериментлар ўтказиш;
- шахс (ўқувчи) психикасининг ўзига ҳос хусусиятларини кузатиш;
- ўқув жараёнида турли анкета ва бошқа усулларни қўллай олиш;
- психологик маърифий ишларни ташкил этиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим. Ёш ва педагогик психология**

Бакалавр:

- умумий психология ва ёш психологияси;
- умумий психология ва педагогик психология;
- физиологик ва психологик ривожланиш жараёни;
- ёш ва педагогик психологиянинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

- иқтидорли болалар ва уларни танлаш;
- ёш психологиясининг пайдо бўлиши;
- ёш психологиясини ўрганиш методлари;
- таълимнинг ёш психологияси тараккиётида тутган ўрни;
- мактабгача ёш даврининг ўзига ҳос хусусиятлари;
- кичик мактаб ёши болалар психологияси;
- ўсмир ва ўспиринлар психологияси;
- таълим ва ақлий тараккиёт;
- педагогик қобилият ва унинг турлари;
- ўқитувчи шахсига қўйиладиган психологик талабларни **билиши, малака ҳосил**

қилиши ва амалда қўллай олиши;

- болаларнинг психологиясига хос хусусиятларни ўрганиш бўйича экспериментлар ўтказиш;
- болаларнинг мактабга тайёргарлиги бўйича хулоса бера олиш;
- инсоннинг ривожланиш боскичларидаги психологик ўзгаришларини тадқиқ қилиш;
- педагогик фаолиятда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, улардаги турли жараёнлар бўйича маслаҳатлар олиб бориш;
- ёш психологияси бўйича олиб борилган эксперимент ва кузатувларни расмийлаштириш *қўнникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.4.2. Услугунослик фани бўйича

Бакалавр:

- услубунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари;
- услубунослик фанининг тил услубларини ўрганишдаги аҳамияти;
- услубунослик фанининг тузилиши ва уларнинг қисматлари;
- тожик тилининг ўзига хос услубий жиҳатлари;
- услубуносликнинг асосий захиралари: фонетик ва грамматик услублар;
- услубунослик фани, унинг таркибий тизилмаси;
- тожик тилининг диалект ва адабий услублари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши.*
- тилуносликда услубуносликнинг асосий ривожланиш боскичлари;
- услубунослик фанининг долзарб муаммолари ва уларни ечиш услублари;
- тожик тилининг асосий услублари ва тил меъёрлари;
- бадиий услуб ва унинг асосий хусусиятлари;
- расмий услуб ва унинг асосий хусусиятларини;
- илмий услуб ва унинг асосий хусусиятларини;
- публицистик услуб ва унинг асосий хусусиятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- тожик тилидаги матнларни турли услублар асосида таҳлил ва талқин қилиш;
- услубий меъёрлар ва уларга амал қилиш;
- адабий тил услубининг қисматлари: илмий, адабий, публицистик, идорий, бадиий ва сўзлашув услубларининг хусусиятларини аниқлаш;
- тожик тилида яратилган турли услубдаги матнлар ва манбаларни қиёслаш ва фарқлай олиш;
- илмий услубнинг муҳим хусусиятларини аниқлаш;
- бадиий асарларни лисоний таҳлил қилиш, ижодкор услубини аниқлаш;
- ОАВ тилининг услубий хусусиятларини белгилаш;
- бадиий асар тил хусусиятларини аниқлай олиш;
- тожик тили услубий захираларидан амалда фойдалана олиш *қўнникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.3. Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фани бўйича

Бакалавр:

- тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва тараккиёт боскичлари;
- тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таълимот эканлиги ва унинг исломдан фарқ қиладиган уч бидъат унсури;
- тасаввуфнинг Марказий Осиёда ёйилиши тарихи;
- тасаввуф таълимоти ва адабиётининг асосий хусусиятлари;
- йирик мутасаввиф адиблар ижодиёти;
- тасаввуфга оид асарлар ва уларни таҳлил қилиш йўллари;
- тожик мумтоз поэтикаси асослари ва унинг тасаввуф таълимотига боғлиқлиги;
- тасаввуф таълимотининг адабий жараёнга таъсири *ҳақида тасаввурларга эга бўлиши керак;*

- мумтоз поэтика ва тасаввуф таълимотининг тушунчавий атамаларини;
- тасаввуф ва поэтика фанларининг тадқиқот усуллари ва методларини;
- тасаввуфий асарлар мазмуни, гоёси, образлар системаси ва уларнинг рамзий-ирфоний маъноларини;
- илк мутасаввиф шоирлар ва улар ижодиётининг хусусиятлари;
- накшбандия таълимоти ва йирик мутасаввиф адиблар ижодиёти;
- сўфиёна шеърятнинг асосий хусусиятлари. мутасаввиф шоирлар ижодиётининг муҳим хусусиятларини;
- ирфоний – тасаввуфий истилоҳларнинг бадиий талқинини;
- мумтоз адабиётда ирфоний тасаввуфий асарларини *билиши ва фойдалана олиши*;
- тасаввуфий асарлар хусусиятини англаш ва уларнинг намуналарини дунявий асарлардан фарқ қила олиш;
- мумтоз ғазалларнинг рамзий-ирфоний талқини;
- тасаввуф шеърятининг образлар системаси ва атамаларини таснифлаш;
- тасаввуф таълимотининг маънавий-ахлоқий йўналиши ва унинг комил инсонни тарбиялашдаги ўрнини белгилаш;
- сўз санъатларининг шеърят бадиийлигини таъминлашдаги аҳамиятини аниқлаш;
- шеърый образнинг сўз санъатларига асосланганлиги;
- шеърый санъат турлари ва хиллари уларни таснифлаш;
- тожик шеърятининг арўз вази ҳақида тушунчаларини амлад қўллаш;
- тасаввуф адабиёти намуналари матни устида ишлаш олиш ва уларни тил ва услуб нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш;
- ирфоний - тасаввуфий асарларни таҳлил ва талқин қилиш;
- тожик мумтоз адабиётининг йирик мутасаввиф адибларининг асарларини таққослаш;
- ирфоний тасаввуфий адабиёт вакиллари асарларини мутолаа этиб, уларни жанрий ва гоёвий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.4. Умумий педагогика фани бўйича

Бакалавр:

- таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари;
- педагогиканинг илмий-назарий асослари;
- педагогик фикрларнинг ривожланиш тараққиёти;
- педагогик маҳоратнинг илмий асослари;
- педагогик маданият ва техниканинг моҳияти;
- ўқув жараёнини ташкил этишнинг метод ва шаклларига қўйилган замонавий талаблар;
- таълим оловчилар шахсини ривожлантириш омиллари, ёш даврларининг ўзига хосликлари;
- яхлит ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- тарбия жараёнининг қонуниятлари ва тамойиллари;
- педагогик менежментнинг моҳияти ва ўзига хосликлари;
- коррекцион педагогиканинг асосий йўналишлари;
- педагогик технология тушунчасининг илмий асослари;
- педагогик технология тамойиллари;
- педагогик технологиялар таснифи ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- миллий гоё ва асосий педагогик қонуниятлар ҳамда тамойилларга асосланган ҳолда ўқув-тарбия ишларини ўтказиш;
- таълимни ташкил этишнинг асосий шакллари амалиётда қўллаш;

- таълим ва тарбия методлари, воситаларини амалиётда қўллаш, аниқ вазиятлар учун уларнинг қулай вариантларини танлаш;
- ўқув ва тарбия жараёнида ўқувчилар жамоасини самарали бошқариш;
- ўқувчилар хулки ва фаолиятини рағбатлаш;
- педагогик мақсадларга эришишда эгалланадиган билимларни танлаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва уларни технологик шаклда тақдим этиш;
- аниқ шароитларда таълим-тарбияга доир амалий вазифаларни ҳал этиш;
- жаҳон мамлакатлари таълим тизими ривожига доир маълумотларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш;
- ўқувчи шахси ва ўқувчилар жамоаларини ўрганиш, таълимда орқада қолиш сабабларини аниқлаш;
- мулоқотга мойиллик, ишчанлик, келажакни тасаввур қила олиш, касбий мустақиллик, сенсор ахборотларни тезлик билан англаш, ўз-ўзини бошқара олиш, ўзаро таъсир этиш ва ҳамкорликда ишлашни *билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши*;
- психологик-педагогик адабиётлар билан ишлаш;
- зарур методик йўриқномалар тузиш;
- самарали педагогик тадқиқотлар ўтказиш;
- педагогик технология ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш;
- тарбиявий ишни режалаштириш ва амалга ошириш;
- гуруҳ жамоасининг психологик муҳитини ва аудитория билан муносабатда индивидуал, шахсий ва ёш имкониятларини ҳисобга олиш;
- истиқболдаги ривожланиш ва талаб этиладиган натижага эришишни стратегик режалаштириш;
- педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.3. Танлов фанлари бўйича бакалаврларнинг билим, малака ва қўникмаларига қўйиладиган талаблар:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	16 ҳафта
Аттестация	19 ҳафта
Битирув иш	5 ҳафта
Таътил	28 ҳафта
Жами	204 ҳафта

7.2. Талаба ҳафталик ўқув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкласи – 36 соатгача, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки фанлари мазмуни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар

7.5.2.1. Олий математика асослари:

Элементар математика асосий тушунчалари. Хақиқий сонлар. Рационал ва иррационал сонлар, хоссалари. Кўпхадлар. Кўпхадлар устида амаллар, қисқа кўпайтириш формулалари. Чизикли ва квадрат тенгламалар, тенгсизликлар. Текис фигуралар, хоссалари, юзалари. Тригонометрия элементлари.

Текисликда аналитик геометрия. Текисликда аналитик геометриянинг содда масалалари: икки нукта орасидаги масофа; кесмани берилган нисбатда бўлиш; учбурчакнинг юзини ҳисоблаш. Тўғри чизикнинг турли хил тенгламалари. Тўғри чизикларга доир асосий масалалар: икки тўғри чизик орасидаги бурчак, параллеллик ва перпендикулярлик шартлари, нуктадан тўғри чизиккача масофа, икки параллел тўғри чизик орасидаги масофа. Координаталарни алмаштириш: кутб координаталари, параллел кўчириш ва ўқларни буриш. Иккинчи тартибли чизиклар: айлана, эллипс, гиперболо, парабола ва уларнинг каноник тенгламалари. Иккинчи тартибли чизиклар классификацияси. Иккинчи тартибли чизикларни каноник кўринишга келтириш.

Олий алгебра элементлари. Детерминантлар ва уларнинг хоссалари. Крамер қонидаси ва Гаусс усули. Матрицалар, матрица устида амаллар. Тесқари матрица. Чизикли системани матрицавий усулда ечиш. Комплекс сонлар ва уларнинг формалари. Муавр формулалари. Алгебранинг асосий теоремаси. Кубик ва тўртинчи даражали тенгламаларни ечиш: Кардано формуласи ва Феррари усули. Юқори даражали тенгламаларнинг рационал илдизлари. Виет теоремалари. Горнер схемаси. Рационал касрларни оддий касрларга ёйиш.

Тўпламлар ва функциялар. Лимит. Тўпламлар ва улар устида амаллар. Элементар функциялар, уларнинг аниқланиш ва ўзгариш соҳалари. Элементар функциялар, турлари ва кетма-кетликлар. Кетма-кетлик ва функция limiti. Узлуксизлик, узилиш турлари. Ажойиб лимитлар.

Функция ҳосиласи ва дифференциали. Функция ҳосиласи. Ҳосиланинг геометрик, иқтисодий ва механик маънолари. Ҳосила ҳисоблаш қоидалари. Ҳосилалар жадвали. Юқори тартибли ҳосила. Дифференциал. Дифференциаллаш жадвали ва ҳисоблаш қоидалари. Ҳосила тушунчасининг иқтисоддаги талбиқлари.

Функцияни тўлиқ текшириш. Дифференциал ҳисобнинг асосий теоремалари. Ферма, Ролль, Лагранж, Коши теоремалари ва иқтисодий мазмуни. Тейлор ва Маклорен формулалари. Лопитал қоидалари. Функцияларни текшириш: ўсиш ва камайиш, экстремумлари, ботиқлик ва кавариклиги, асимптоталари. Экстремум топиш қоидалари. Экстремумга доир масалалар.

Аниқмас интеграл. Аниқмас интеграл. Аниқмас интеграл жадвали. Ўзгарувчиларни алмаштириш ва бевосита интеграллаш. Кўп учрайдиган интеграллар. Бўлақаб интеграллаш. Рационал касрларни интеграллаш. Алгебраик иррационалликларни интеграллаш. Эйлер алмаштиришлари. Биномиал дифференциал интегралли. Тригонометрик функцияларни интеграллаш.

Аниқ интеграл. Аниқ интеграл, хоссалари. Эгри чизикли трапеция юзи. Ньютон-Лейбниц формуласи. Аниқ интегралда интеграллаш усуллари. Ҳосмас интеграллар. Ёй узунлиги, жисм ҳажми, сирт юзасини ҳисоблаш.

7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари

Информатика ва ахборот технологиялари бўйича асосий тушунчалар. Информатика фани тарихи ва ҳозирги ҳолати. Замонавий ахборот технологиялари ва уларнинг ҳозирги жамиятда тутган ўрни. Замонавий ЭХМларнинг тузилиши, ишлаш принциплари, архитектураси. Компьютерларнинг техникавий таъминоти. Компьютернинг асосий ва қўшимча қурilmалари (принтер, монитор, сканер, модемлар, товуш, тасвир карталари ва бошқалар).

Компьютернинг дастурли таъминоти. Система дастурлари. Амалий дастурлар. Компьютер тили. Операцион системалар. Компьютер ишлашни таъминлайдиган бошқарувчи дастурлар. Драйверлар. Маълумотларни ташкил қилиш ва сақлашнинг файл системаси. Дисклар, каталоглар ва файллар. Файл номи. Файлга йўл. Файл ва папкаларни излаш.

Замонавий Windows дастурлари муҳитида ишлаш. Windows операцион системалари. Windowsнинг ишлаш шартлари. Унинг афзалликлари ва камчиликлари. Иш столи ва унинг элементлари. Масалалар панели, уни сошлаш ва панелдаги белгилар. Windowsнинг меню системаси. Асосий меню ва унинг таркиби. Контекст меню ва у билан ишлаш. Менюдаги шартли белгилар. Windows да ишлашни оптималлаштирувчи программалар. Дискни текшириш ва дефрагментация қилиш. Windowsнинг соловлари билан ишлаш. Windows да файл ва папкалар билан ишлаш. Проводник.

Windowsнинг мультимедиа имкониятлари. **Windows мультимедиа имкониятлари ва улардан фойдаланиш қондалари.** Мультимедиа объектлар яратиш ва улар билан ишлаш.

Файлларни архивлаш ва компьютер вирусларидан ҳимояланиш. Файлларни архивлаш ва очиш турлари, зарурияти. Вируслар ва улардан ҳимояланиш чоралари. Анти-вирус дастурлари.

MS Wordда ҳужжатлар билан ишлаш. MS Wordда Дарчалар билан ишлаш. Иш соҳаси. Асосий асбоб тугмачалари. Матнни ажратиш. Матнни форматлаш амаллари. Ҳужжатни таҳрирлаш. MS Wordда объектлар билан ишлаш. MS Wordда графика. «Рисование» панели билан ишлаш. WordArt объектлари. MS Wordда жадваллар билан ишлаш. MS Wordда оддий веб-саҳифалар яратиш. MS Wordнинг сервис имкониятлари.

MS Power Point программаси ёрдамида кўргазмалар яратиш. MS PowerPoint муҳаррири. Вазибалари. Ойнасининг ташкил этувчилари. Слайдлар билан ишлаш. Шаблон ва фон. MS PowerPoint да объектлар билан ишлаш, Анимация ўрнатиш. Кўргазмалар тайёрлаш. Бошқарув тугмалари. MS Power Pointда оддий веб-саҳифалар яратиш.

MS Excel электрон жадвалда ишлаш. MS Excel дарчасининг тузилиши. Катакчалар билан ишлаш. Уларнинг абсолют ва нисбий манзиллари. Ўлчамлари. Варақлар билан ишлаш. Маълумотларни киритишнинг автоматик йўллари. Сатр ва устунлар устида амаллар бажариш. Функция ва формулалар билан ишлаш. Диаграммалар. Маълумотларни тартиблаш ва филтрлаш.

График муҳаррирлар. Векторли ва растрли компьютер графикаси. Paint, Adobe Photoshop дастурлари. Paint дастуридан фойдаланиш. Paint ойнаси элементлари, асбоблар панели, ранглар палитраси. Adobe Photoshopда тасвирларни қайта ишлаш. Қатламлар ва ранглар палитраси. Филтрлар билан ишлаш.

Компьютер тармоқлари. Тармоқда ишлаш. Internet ва электрон почта. Локал ва глобал компьютер тармоқлари. Интернет манзиллари, қайдномалари. Замонавий Мижоз-сервер технологиялари. Турли типдаги файллар билан ишлаш. Тармоқда маълумотларни излаш тизимлари. Электрон почта.

Web саҳифалар ва ҳужжатлар яратиш ҳамда улар билан ишлаш. World Wide Web (WWW) га кириш. HTML тили. Web сайт таркиби ва уни яратиш. Гипермуружаат. Web-сайт элементлари. Web-ҳужжатларни автоматик қайта ишлаш учун FrontPage дастури. FrontPageда Web-сайт яратиш. Гипермуружаат ҳосил қилиш.

STATDART AGENTLIGA
KUDARILASHTIRISH. DAVLAT
KAT. NI KUDYFIOLASHTIRISH VA
TARHAT TEXNOLOGIYALARINI
T. 501 FOSI QARMASI

Масофали таълим. Масофали таълим тўғрисида умумий тушунчалар, имкониятлари ва афзаллик томонлари. Масофали таълимнинг элементлари. Электрон дарсликлар.

Таржимон программалари ва улардан фойдаланиш. Prompt туркумидаги дастурлар. Автоматик таржима ва унинг созловлари. Маълумотларни авто-таржима қилиш.

Ахборотларни химоялаш. Маълумотларни химоялаш усуллари. Internetда хавфсиз ишлашни ташкил қилиш. Криптографик усуллар. Интернетда ахборот хавфсизлиги масалалари

7.5.2.3 Ёш физиологияси ва гигиена:

организмнинг ёш хусусиятлари ва органлар ҳамда тизимларнинг турли вазифалари. Организм - яхлит бир тизим. Одамнинг ўсиш ва ривожланиши. Организмнинг атроф-муҳит билан алоқадорлиги. Ирсий касалликларнинг генезиси ва уларни профилактика қилиш масалалари. Ёш организмнинг ўсиши ва ривожланишининг ўзига хослиги. Ички секреция безларининг фаолияти. Гармонлар муҳим биостимулятор ва регулятор сифатида. Тўқима, орган ва организмлар вазифаларининг гуморал бошқаруви, организмлар ҳаёт фаолиятида нерв тизимининг аҳамияти. Ҳар томонлама таракқий этган шахсни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. Болалар соғлигини химоя қилишда оиланинг ўрни. Соғлом организмни таъминлашда овқатланиш кун режими ва бошқа омилларнинг аҳамияти. Инсон организмнинг жисмоний ва рухий соғлом бўлишида гигиенанинг аҳамияти. Шахсий гигиенага қўйиладиган талаблар ва гигиена меъёрлари.

7.5.2.4. Экология:

Экологик хавфсизлик миллий хавфсизликни ажралмас бир бўлаги эканлиги. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан оқилона фойдаланишга оид давлат сиёсати, дастурлари ва режалари. Халқаро ҳамжамиятнинг умумэтироф этилган ҳуқуқ нормалари орқали экологик маънавиятли ёшларни тарбиялаш замонамизнинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги. Экологиянинг назарий-илмий асослари.

Табиат-инсон-жамият муносабатлари ва унинг даврий ривожланишининг оддий, иқтисодий ва экологик муносабат шакллари. Табиат-инсон-жамият муносабатларини уйғунлаштириш зарурати. Экология фанининг келиб чиқиши, тушунчаси, ривожланиш босқичлари, мақсади ва вазифалари. Экологиянинг фанлар ўртасида тутган ўрни, экологик фанлар тизими. Экологияни фанлараро алоқадорлиги ва узвийлик қоидалари. Экологик концепциялар ва принциплар. Экологик хавфсизликни таъминлаш зарурати. Республикамизда экологик хавфсизликни таъминлаш муаммолари. Глобаллашув жараёни, унинг республикамиз учун ижобий ва салбий таъсири.

Экосфера ва Геосфера тушунчаси. Биоценоз, биогеоценоз ундаги боғланишлар. Энергия, озука занжири. Экотизим – экологиянинг объекти эканлиги. Экотизимларнинг таснифланиши. Биосфера – глобал экотизим. Ноосфера – “тафаккур қобиғи”. Экотизимларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг тузилиши. Продуцентлар, консументлар, редуцентлар – экотизимларнинг функционал бирликлари. Биогеоценоз ҳақида тушунча ва унинг экотизимдан фарқи. Экотизимларда энергия оқими ва унинг ҳосил бўлиши. Экотизимларда фотосинтез жараёни ва биологик маҳсулдорлик. Экотизимларда озика занжири ва трофик даражалар. Экотизимларда биокимёвий циклларнинг тузилиши. Экотизимларнинг ривожланиши. Экотизимлар ўзгарувчанлигига организмларнинг мослашуви. Модданинг айланма ҳаракати ва энергия оқими. Экотизимлар барқарорлиги ва динамикаси. Экотизимни белгиловчи кўрсаткичлар. Табиий ва сунъий экотизимлар. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонда тарқалган экотизимлар.

7.5.2.5. Математик лингвистика:

Табиий тилларнинг математик моделини яратиш. Лингвистик автоматлар. Компьютер луғатлари. Туб сўзлар луғатлари. Ясама сўзларни бериш. Атоқли отлар ва географик номлар луғатлари. Тилларга ўқитиш ва билимларни баҳолаш алгоритмлари.

Ўқитиш алгоритмлари. Билимларни баҳолаш алгоритмлари.

Матнларни таҳрирлаш алгоритмлари. Механик, имло ва шевага хос хатолар. Хатоларни топиш алгоритми. Хатоларни тузатиш алгоритми.

алгоритми (инглизча-тожикча). Инглиз тилидаги гапни тахлил қилиш алгоритми. Таржима қилиш алгоритми. Тожик тили грамматикасининг аксиоматик назарияси. Тожик тили грамматикасининг символлари. Тожик тили грамматикасининг формулалари. Тожик тили грамматикасининг аксиомалари. Тожик тили грамматикасининг келтириб чиқариш қоидалари. Тожик тили грамматикасининг теоремалари. Тожик тили грамматикасининг аксиоматик моделини ривожлантириш йўллари.

7.5.3. Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.3.1. Ҳозирги тожик адабий тили:

Адабий тил тушунчаси: тожик тилининг эроний тиллар оиласидаги ўрни; тожик адабий тилининг шаклланиш манбалари ва қонуниятлари; тожик адабий тилининг диалектал асослари; ҳозирги тожик адабий тили сатҳлари, улар орасидаги муносабат;

Назарий фонетика: фонетика – тожик адабий тилининг товушлари тизимини ўрганувчи сатҳ сифатида, фонология – нутқ товушларини ўрганувчи сатҳ; тожик тилида сўзнинг фонетик структураси ва унинг асосий хусусиятлари, фонема ва унинг вариантлари, фонетик ходисалар ва уларнинг кўринишлари; тожик тилида урғу, бўгин ва уларнинг турлари; оҳанг, сўз ва гап оҳанги, шунингдек унинг хусусиятлари; тожик графикаси тараққиёти; имло масалалари; тожик имлосининг асосий қоидалари; тожик адабий тилининг орфоэпик тизими.

Назарий грамматика: тожик тилининг морфема структураси; морфемалар таснифи ва хусусиятлари; сўз ясалиш тизими; тожик тили сўз ясалиш тизими бўйича қарашлар; морфология – сўз шакллари ҳақида таълимот; сўзларни туркумларга ажратиш асослари; сўз туркумларига хос грамматик категориялар; грамматик шакл ва грамматик маъно тушунчалари; тожик тилининг синтаксис тизими; сўз бирикмаси ҳақидаги қарашлар; сўз, гап, сўз бирикмаси муносабатлари; содда гап синтаксиси; қўшма гап синтаксиси; синтаксисда парадигматика ҳамда синтагматика; шакл ва мазмун муносабати; синтаксисга формал-функционал ва мазмуний ёндашув; семасиология; лексикология; сўз маъноларининг тараққиёти; луғавий бирликларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра гуруҳланиши; омонимлар, синонимлар, антонимлар; атамалар тизимининг шаклланиши, луғатчилик тараққиёти; тожик тили пунктуацияси тараққиёти; тиниш белгилари ва уларнинг қўлланиш хусусиятлари; тиниш белгилари ва гап қурилиши хусусияти ўртасидаги боғланиш; тожик адабий тилининг меъёрий шаклланиши; адабий тил меъёри тушунчаси.

Тарихий грамматика: форс-тожик тили тарихининг Ўрта Осиё ва хорижий олимлар томонидан ўрганилиши; тожик тили тарихини ўрганишнинг асосий манбалари; тожик тили товушларининг тарихий эволюцияси; тожик тилида сўз таркибининг ўзгариши, тарихий сўз ясалиши ва сўз ясовчи формантлар; грамматик шаклларнинг тарихий шаклланиш босқичлари; тожик тилида гап кўринишининг тарихий кўринишлари ва хусусиятлари;

Стилистика асослари: нутқ услублари, унинг адабий тил меъёрларига муносабати; нутқ услублари таснифи, услуб турларининг қўлланиш хусусиятлари; нутқ услубларининг тил материаллари: лексикаси, грамматик шакллари; услубий синонимия; расмий-идоравий услубнинг такомил масалалари; услубларнинг қиёсий ўрганилиши, уларда қўлланган воситалар тадқиқи; услубларда тил бирликларининг имкониятларини ўрганиш;

Амалий фонетика: тожик тили нутқ товушлари таснифи; талаффузда юз берадиган фонетик ходисалар; товуш ва харф муносабати тахлили; акцентуация, интонация ва бошқалар билан боғлиқ ходисалар; фонологик тахлил кўникмаси ва малакасини шакллантириш; имло ва орфоэпия муносабатидаги умумий ҳамда хусусий жиҳатлар, уларнинг адабий тил меъёрига муносабатини аниқлаш;

Амалий грамматика: сўз таркиби таснифи, сўзнинг маъноли қисмларга ажратиш, морфемаларнинг функционал-семантик, структуравий, позиция таснифи; грамматик маъно ва грамматик шакллардаги алоқадорликларни фарқлаш; грамматик категориялар оппозицияси, синонимияси; сўз туркумларини ажратиш, уларнинг гапдаги вазифасини

белгилаш тамойиллари, сўз туркумларининг кўчиши; сўз бирикмаси ва сўзларнинг грамматик муносабатга киришиш йўллари, сўзлар ўртасидаги синтактик алоқа типларини ажратиш; гап тузилиши ҳамда гап турларининг тахлили; кўшма гапларни семантик-функционал тавсифлаш ва тахлил этиш;

Амалий стилистика: услубларда тил бирликларининг қўлланилиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари; нутқ услублари ўртасида фарқлар ва умумийлик; турли матилар тадқиқида киёсий-чоғиштира методдан фойдаланиш; тил бирликлари қўлланилишида умумий ҳамда хусусий томонлар; нутқ услубларининг лингвистик тахлили.

7.5.3.2. Тожик тили тарихи:

Тожик тили тарихи фанининг асосий мақсад ва вазифалари:

Қадимги тожик тилининг предмети. Ҳинду-аврупо тиллари оиласи ва унда тожик тилининг ўрни. Қадимги тожик тилининг тарих, адабиёт, жуғрофия, халқ оғзаки ижоди, этнография билан боғлиқ тушунчаларни ўрганиши; эроний тилларнинг ҳинду-аврупо тиллари оиласига мансублиги ва тожик тилининг ундаги ўрни; қадимги форс тили; «Авесто», скиф ва моди тиллари; паҳлавий, бохтарий, суғдий ва хоразмий тилларининг эроний тилларнинг ўрта даврига мансублиги ва уларнинг грамматик хусусиятлари. Қадимги ва ўрта давр эроний тилларининг ёзувлари.

Қадимги эроний гуруҳ тилларида отдан ясалган нутқ бўлаклари, сифат ва олмош; феълнинг қадимги форс тилидаги ўрни; феълларнинг морфологик хусусиятлари; қадимги форс тилида синтаксис ва услуб масалалари; «Авесто» тили ҳақида маълумот; «Авесто» тилининг грамматикаси; «Авесто» тилида падежлар ва феълнинг ўрни.

Эроний тилларининг ўрта даври. Суғдиёна, Бохтария давлатлари ва уларнинг тиллари. Ушбу даврдаги ёзма ёдгорликлар. «Дарахти асурий» ва «Ёдгори Зарирон» дostonларининг тил хусусиятлари; парфиёний тилининг ривожланиши ва паҳлавий деб номланиши; Парфиёний, суғдий, хоразмий, бохтарий тилларининг грамматик хусусиятлари; бу тилларда падеж ва сон категориялари. Суғд тилининг асосий манбалари ва грамматик тузилиши. Суғд тилининг ёзма ёдгорликлари. Муғ калъаси топилмалари ва уларнинг ўрганилиш даражаси. Рус шарқшунос олимларининг суғдий тилдаги ёдгорликларни ўрганишдаги хизматлари. Самарқанд Афросиёбидан топилган суғд битиклари. Хоразмий тилининг ёзма манбалари. Хоразмий тилида феъл системаси. Эроний тиллар ўрта даврининг фонетик тизими, морфологик тизилмаси, улардаги мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари, сўз ясаиш эволюцияси ҳамда сўз бирикмалари. Тожик адабий тилининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш босқичлари. Сомонийлар даврида форсий-дарий тили деб аталадиган адабий тилнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида пайдо бўлиши. Бу тилнинг гарбий Эрон ва бошқа ҳудудларга тарқалиши. X-XVI асрларда форс-тожик адабий тилининг юксак даражада тараккий этиш омиллари. Улкан шоир ва ёзувчиларнинг форс-тожик адабий тили тараккиётидаги ўрни. Форс-тожик тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари.

7.5.3.3. Тилшунослик назарияси:

Тилшуносликнинг бошқа фанлар орасидаги ўрни; тилшунослик предмети; тилшунослик фанининг тушунчавий терминологик аппарати; тилшунослик фанининг вужудга келиши; тил ижтимоий ҳодиса сифатида; тил фикр ифодалашнинг воситаси эканлиги; тилнинг ижтимоий вазифалари; тил ҳақидаги фаннинг ички қурилиши; тилларнинг умумий ва хусусий томонлари; лисоний тадқиқот аънаналари; тилшунослик мактаблари; умумий тилшуносликнинг етакчи муаммолари: тилшунослик объекти, тилнинг ички (структуравий) бўлиниши, функцияланиши, тарихий тараккиёти, семиотик табиати, лисоний универсалиялар, тил фанининг методлари, тадқиқот парадигмалари, тил фанининг бошқа фанлар билан алоқаси; жаҳоннинг машҳур тилшунослари; ҳозирги тилшуносликнинг долзарб масалалари; тил ва тафаккур; тил ва нутқ; тилга оид таълимотлар эволюцияси; киёсий-тарихий тилшуносликнинг юзага келиши; тилларнинг генетик, типологик ва ареал таснифлари; графика; орфография; орфоэпия; пунктуация; фонетика; фонология; морфоло-

гия; морфемика; сўз ясалиши; морфологик категориялар; синтаксис; сўз бирикмаси; гап; синтактик категориялар; матн; лексика; семантика.

7.5.3.4. Шарқ тили (араб ва форс):

Араб тилининг тараққиёт босқичлари; Араб ёзуви, унинг хиллари ва ёзилиш услублари; араб тилининг фонетика, морфология, синтаксис ва лексикологияси; араб алифбосининг қўшилиш ва қўшилмаслик хусусиятлари; жинсий формалари; келишклар; гап ясалиши; араб тилига доир сўзлар, адабий конструкция ва ифодаларнинг тожик тилида қўлланиш даражаси; арабча сўзларнинг тожик бадиий адабиёти ва ҳозирги тожик адабий тилидаги ўрни.

7.5.3.5. Тожик диалектологияси:

Тожик диалектологияси предмети. Тожик диалектологиясининг ўрганилиш даражаси. Тожик диалектологиясини ўрганиш методлари. Тожик шеваларининг таснифоти. Тожик тилининг шимолӣй, жанубӣй, жанубӣй-шарқӣй ва марказӣй шевалари. Транскрипция. Тожик тилининг лақай шеvasи. Шева ва адабий тил муносабати. Шеванинг адабий тилга асос бўлолмаслиги. Тожик шевалари фонетикаси, грамматикаси ва лексикаси. Рус тилшунос олимларининг тожик шеваларини ўрганишдаги хизматлари. Тожик шевашунос олимларининг шевашунослик илмидаги хизматлари.

7.5.3.6. Қиёсий-тарихий грамматика:

Эроний тилларнинг жаҳон тиллари орасидаги ўрни. Эроний тилларнинг таснифи. Энг қадимги давр эроний тиллари. Ўрта эроний тиллар: сугдий, паҳлавӣй ва хоразмӣй тиллар. Янги эроний тиллар. Эроний тилларнинг луғавӣй таркиби, тарихий тараққиёти, луғавӣй таркиби ва классификацияси. Эроний тилларнинг ўрганилиш даражаси. Тожик тилининг эроний тиллар орасидаги ўрни. Эроншунос олимлар. Эроний тиллар гуруҳи ва уларнинг шаклланиш тарихи. Эроний тиллар гуруҳи ўзаро муносабатлари. Форс ва тожик тилларининг қиёсий таҳлили уларнинг грамматик бирликлари ва фарқлари, уларнинг келиб чиқиш даврлари омиллари. Тилларнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик фарқлари. Форс ва тожик тилларида суз туркумлари ва уларнинг қиёсий таҳлили. Эроний халқлар тилининг шаклланиш даври ва тараққиёт босқичлари. Ҳозирги замон эрон ва афғон адабий тиллари ва тожик адабий тилларининг типологик хусусиятлари.

7.5.3.7. Тожик мумтоз адабиёти тарихи:

Тожик мумтоз адабиётининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш босқичлари. Қадимги давр тожик адабиётининг огзаки ва ёзма ёдгорликлари ва уларнинг маънавий-маърифӣй моҳияти. «Авасто» китобининг динӣй, таърихий ва адабий аҳамияти. Форсӣй тилдаги илк бадиий асарлар. Абуабдулло Рӯдакӣй – тожик мумтоз адабиётининг асосчиси. Рӯдакӣй ҳаёти ва адабий мероси. Рӯдакӣй замондошлари. X аср адабиётида эпик поэзия ва Фирдавсийнинг «Шохнома» асари. «Шохнома»-да инсондўстлик, ватанпарварлик ва миллий истиклол ғоялари. XI асрнинг биринчи ярми тожик адабиёти ва унинг вакиллари. XI аср иккинчи ярми ва XII аср тожик адабиётининг ғоявий йўналиши, жанрий хусусиятлари ва йирик вакиллари. Бадиий адабиёт ва динӣй-фалсафӣй оқимлар. Муғул истилоси даври тожик адабиёти ва янги адабий марказларнинг юзага келиши. Сарой адабиётининг инкирози ва бадиий адабиётда ғоявий ва жанрий ўзгаришларнинг юз бериши. Саъдий Шерозӣй, Убайд Зоконӣй, Ҳофиз ва Камол Хужандӣйлар ижодиётининг жанрий, ғоявий-бадиий хусусиятлари, тарбиявий-ахлоқӣй, маънавий-маърифӣй ва эстетик аҳамияти. ХУ аср адабиёти ва Абдурахмон Жомӣй ижодиёти. А.Жомӣй ва А.Навоӣйнинг ижодий ҳамкорлиги. Мовароуннаҳрда XVI-XVII асрлардаги адабий ҳаёт ва тожик адабиётининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиши. ХУIII аср ва XIX аср биринчи ярми тожик адабиётининг асосий хусусиятлари ва иқтидорли вакиллари.

7.5.3.8. Миллий уйғониш даври тожик адабиёти:

«Миллат» ва «миллий уйғониш» атамаларининг маъно ва моҳияти. XIX асрнинг иккинчи ярми адабиётдаги кескин ўзгаришлар ва тожик маърифатпарварлик адабиётининг шаклланиши. Аҳмад Дониш ва Бухоро амирлигидаги адабий муҳит. Маърифатпарварлик адабиётининг асосий йўналишлари, мавзу доираси, ғоявий ва жанрий хусусиятлари.

ри. Маърифатпарварлик адабиётининг намояндалари. XX аср бошларидаги маданий ҳаёт ва жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши. Янги мактаблардаги таълим усули ва дидактик-таълимий адабиётнинг юзага келиши. Абдукодир Шакурӣ мактаби. Жадид адабиётининг асосий хусусиятлари, ғоявий йўналиши, жанрий хусусиятлари ва йирик вакиллари. Янги адабий тур ва жанрлар. Жадид адабиётида шакл ва мазмун ўзгаришлари. Жадид матбуоти. Жадид драматургияси. Жадид адабиётида анъанавий образ-тимсолларнинг янги маъно ва мазмун касб этиши. XX аср бошлари тожик маърифатпарварлик адабиёти намояндалари ва уларнинг асарлари. Туркистон ва Бухоро амирлигидаги жадидчилик ҳаракатининг ўзаро фарк ва ўхшашлиги. Жадид адабиётида миллий истиқлол ғоясининг бадий талқини. Шўролар даври мафқураси ва жадидчилик ҳаракати. Миллий истиқлол ва жадид адабиётига янгича муносабат. Жадид адабиётининг миллий истиқлол мафқурасини шакллантиришдаги ўрни.

7.5.3.9. Янги тожик адабиёти тарихи:

XX аср бошларидаги тарихий шароит ва тожик адабиётидаги ўзгаришлар. Жадид адабиётининг шаклланиши ва асосий хусусиятлари. Шўролар даври адабиётининг майдонга келиши ва бадий адабиётнинг янги изга кўчиши. Мафқуравий тазйиқ ва адабий жараён 20-30 йиллар адабиётининг ғоявий йўналиши, мавзулари ва йирик вакиллари. Социалистик реализм методи ва унинг бадий адабиёт тақдиридаги ўрни. Миллий истиқлол мафқураси ва мафқуравий тазйиқлар даври адабиётига янгича муносабат. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр тожик адабиёти. 60-80 йиллар адабиётида эски авлод ёзувчиларининг ижодий фаолияти ва янги истеъодларнинг бадий адабиётга кириб келиши. Лирик поэзияда инсон оламини акс этгиришда юз берган жиддий ижобий ўзгаришлар. Тожик бадий насрининг ривожланиши ва асосий хусусиятлари. Тожик адабиёти йирик вакиллари ҳаёт йўли ва адабий меросининг асосий хусусиятлари. Қайта куриш даври ва бадий ижод. Истиқлол даври адабиёти ва унинг хусусиятлари. Миллий мафқура ва бадий ижод.

7.5.3.10. Жаҳон адабиёти тарихи:

Жаҳон адабиёти тарихи фанининг мақсад ва вазифалари. Жаҳон адабиёти тарихининг асосий тамойиллари ва даврлаштирилиши. Антик давр адабиёти. Юнон ва Рим адабиёти тарихи. Ўрта асрлар ва уйғониш даври адабиётининг асосий хусусиятлари. ХУП-ХУИИ асрлар адабиётида маърифатчилик ва реализмнинг тараккиёти. Бу давр адабиётининг тур ва жанрлари, метод ва оқимлари ҳамда йирик вакиллари. Аврупо ва Америка адабиётининг XIX асрдаги камолоти. Рус адабиётининг тараккиёт боскичлари ва жаҳон адабиётида тутган ўрни. Рус адабиётида реализм. Л.Н.Толстой ижоди. XX аср жаҳон адабиётининг тараккиёт даражаси ва асосий концепциялари. Ҳозирги жаҳон адабий жараёнлари.

7.5.3.11. Адабиётшунослик назарияси:

Адабиётшунослик ва унинг таркибий қисмлари. Адабиёт назариясининг адабиётшунослик илмлари ҳайъатидаги ўрни. Адабий-назарий тафаккур тараккиёти. Бадий адабиёт ҳақида таълимот. Адабиёт-санъатнинг бир тури. Бадий асар ва унинг таҳлил тамойиллари. Типиклаштириш – адабиёт ва санъатнинг бош қонуни. Адабий тур ва жанрлар. Бадий услуб ва ижодий метод муаммолари. Мавзу ва ғоя. Образ ва образчилик. Сюжет ва композиция. Бадий тасвир воситалари. Бадий санъатлар. Бадий асар тили. Адабий тур ва жанрлар типологияси. Бадийлик спецификаси. Бадий асар яхлитлиги ва тизимли таҳлили. Адабиёт ва санъатда ғоявий тамойил. Бадий ижод муаммолари ва истиқлол даври мафқураси. Миллий истиқлол ва бадий ижод жараёни. Бадий ижод машаққатлари. Анъана ва новаторлик. Адабий алоқалар ва адабий таъсир. Адабий йўналиш ва мактаблар. Метод ва услуб муаммолари.

7.5.3.12. Тожик адабий танқидчилиги тарихи:

Тожик адабий танқиди фанининг шаклланиши ва ривожланиш боскичлари. Адабий танқидчиликнинг ўзига хос хусусиятлари. Мумтоз адабий танқидчиликнинг тарихи ва тарқалиши. Ўрта асрлар адабий танқидчилигининг асосий хусусиятлари.

шакл ва усуллари, сифатан янгилана бориши. Адабий танқиднинг асосий йирик сиймолари. Янги тожик адабий танқидининг шаклланиши. Маорифпарварлик адабиётида адабий-танқидий фикрлар. Шўролар даври адабий танқиди ва унинг ютук ва камчиликлари. Йирик тожик мунаққидлари ва уларнинг хизматлари. Адабий танқидчиликда шакл ва услублар хилмаҳиллиги. Ҳозирги замон тожик адабий танқидчилиги.

7.5.3.13. Тожик халқ оғзаки ижоди:

Тожик халқ оғзаки ижодининг энг қадимги даврларга мансублиги ва манбалари. Қадимги кўшиқ, асотир ва ривоятлар ва уларнинг бошқа халқлар оғзаки ижоди билан ўхшашликлари. Ўрта асрлар халқ оғзаки ижоди жанрлари типологияси. Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт. Халқ дostonчилиги ва куйчилари. Халқ оғзаки ижод намуналари ва уларнинг жанр хусусиятлари. Тожик халқ оғзаки ижодиётининг эпоси ва унинг мазмун-моҳияти. Ҳозирги замон оғзаки ижод намуналари.

7.5.3.14. Ҳозирги адабий жараён:

Адабий жараёнларнинг тарихий шаклланиш босқичлари ва асосий омиллари. Миллий мустақиллик ва янги адабиётнинг шаклланиши. Миллий мустақиллик мафкураси ва ҳозирги адабий жараённинг асосий тамойиллари. Мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари, мавзу ва ғоявий йўналиши. Ҳозирги адабий жараёндаги сифат ўзгариши ва унинг ифодаланиш шакл ва жанрлари. Ҳозирги адабий жараёнга ҳос қонуният ва бадиий – эстетик кашфиётлар. Ҳозирги тожик адабиётининг ғоявий йўналиши, мавзулар доираси ва жанрий хусусиятларидаги янгиланишлар. Ҳозирги тожик адабий жараённинг йирик вакиллари ва уларнинг бадиий ижоддаги адабий-эстетик қарашларини ифода этувчи асарлари. Истиклол даври назми ва насридаги бадиий-эстетик кашфиётлар.

7.5.3.15. Тожик тили ва адабиётини ўқитиш методикаси:

Педагогик фаолият. Тожик тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар. Таълим жараёнида инновациялар, таснифи, самарадорлик мезонлари. Инновацион педагогик фаолият. Узлуксиз таълим тизими тожик тили ва адабиёти ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти. Тожик тили ва адабиёти ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш воситалари: инновацион ўқув-билув фаолияти, махсус курслар, малакавий амалиёт. Информатика таълими жараёнида инновацион педагогик фаолиятни амалга ошириш методикаси. Тил ва адабиёт таълимида анъанавий ва ноанъанавий таълим технологиялари. Тожик тили ва адабиётини ўқитиш жараёнида ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган педагогик технологиялар. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. Ҳамкорликда, жамоада, муаммоли ўқитиш; модул, дидактик-ўйин технологиялари. Ривожлантирувчи таълим, танқидий тафаккурни ривожлантириш. Мултимедияли дарслар асосида таълим самарадорлигини ошириш. Тил ва адабиёт дарсларида ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларини назорат қилиш, баҳолашнинг замонавий методлари ва воситалари.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг илмий методик асослари: Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг долзарблиги. Тожик тили ва адабиёти ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш. Лойиҳа технологияси. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш. Инновацион педагогик муҳитни ташкил этиш воситалари. Инновацион педагогик жараёни лойиҳалаштиришнинг илмий методик асослари. Тожик тили ва адабиёти ўқув фанларининг мазмунини лойиҳалаштириш. Ўқув фани дастури, ишчи дастури асосида календар тематик режани тайёрлаш, ўқув машғулоти даражасида фан мазмунини лойиҳалаштириш, илмий ахборотни ўқув ахбороти сифатида қайта ишлашга ўргатиш. Ўқув мақсади ва натижаларини лойиҳалаштириш. Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш. Билимларни назорат қилиш ва баҳолашнинг инновацион методларини лойиҳалаштириш. Ҳамкорликда, модулли ўқитишни лойиҳалаштириш. Қасбга йўналтириб муаммоли ўқитишни (кейс) лойиҳалаштириш. Таълимда ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган педагогик технологияларни лойиҳалаштириш. Тожик тили

ва адабиётини замонавий воситалар асосида ўқитишни лойihalаштириш. Дардан ташқари машгулотларни лойihalаштириш.

7.5.4. Ихтисослик фанлари блокнинг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1. Умумий психология:

умумий психология: умумий психологиянинг объекти, вазифалари. Психология табиий ва ижтимоий фан сифатида. Психика ҳақида тушунча, психиканинг ориентировка қилувчанлик ва бошқарувчанлик вазифаси. Бош мия ва психика. Психика ва онг. Психология ва фалсафа. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари. Психика ва онгни таҳлил қилиш принциплари. Ҳозирги замон психологиясининг тузилмаси ва унинг принциплари. Психологиянинг соҳалари. Психологиянинг методлари ва унинг таҳлили. Фаолиятнинг психологик таҳлили. Мотивлар ва фаолият. Психиканинг тараққиёти. Мотивация ва эмоция психологияси. Ирода психологияси. Шахс психологияси. Шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари. Фрустрация ва шахснинг истикбол режалари. Конформизм. Дунёқараш ва эътиқод. Мулоқот психологияси ва нутқ. Диққат ва унинг турлари. Сизги ва идрок. Хотира ва хаёл. Тафаккур. Муаммоли вазият ва уни ҳал қилиш. Темперамент, унинг ўзига хос хусусиятлари.

Ёш ва педагогик психология: ёш ва педагогик психологиянинг предмети, унинг ривожланиш тарихи, Шарқ мутафаккирларининг қарашлари. Ёш психологиясидаги мактаблар. Ёш психологиясини ўрганиш методлари. Таълим мазмуни ва психик тараққиёт. Ёшнинг умумий характеристикаси. Ёш тараққиётини даврлаштириш. Мактабгача ёш даври характеристикаси. Кичик мактаб ёши даври психологияси. Ўсмир психологияси, ўспирин психологияси. Таълимни ва билимларни ўзлаштиришни бошқариш психологияси. Таълим ва ақлий тараққиёт. Тарбия методлари ва формалари. Бўлгуси ўқитувчи шахси сифатлари. Педагогик қобилият: назария ва амалиёт.

7.5.4.2 Услубшунослик:

Тилшуносликда услубшуносликнинг асосий ривожланиш босқичлари. Фаннинг асосий муаммолари, уларни ўрганиш муаммолари ва усуллари, услубшунослик фанининг тузилиши ва уларнинг қисматлари, услубий меъёрлар. Адабий тил услубининг қисматлари: илмий, адабий, публицистик, идора, бадий ва сўзлашув услуби. Услубшуносликнинг асосий захиралари. Фонетик ва грамматик услублар.

7.5.4.3 Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари:

Тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. Тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний таълимот эканлиги ва унинг исломдан фарқ қиладиган уч бидъат унсури. Тасаввуфнинг Марказий Осиёда ёйилиши тарихи. Илк мутасаввиф шоирлар ва улар ижодиётининг хусусиятлари. Накшбандия таълимоти ва йирик мутасаввиф адиблар ижодиёти. Сўфиёна шеърятнинг асосий хусусиятлари. Мумтоз ғазалларнинг рамзий-ирфоний талқини. Тасаввуф шеърятининг образлар системаси ва атамалари. Тасаввуф таълимотининг маънавий-ахлоқий йўналиши ва унинг комил инсонни тарбиялашдаги ўрни. Сўз санъатларининг шеърят бадийлигини таъминлашдаги аҳамияти. Шеърый образнинг сўз санъатларига асосланганлиги. Шеърый санъат турлари ва хиллари. Тожик шеърятининг арўз вазни ҳақида тушунча.

7.5.4.4. Умумий педагогика:

Педагогика назарияси: Ўзбекистон Республикаси таълим тизими. Педагогика шахс тарбияси ва ривожланиши тўғрисидаги фан. Илмий-педагогик тадқиқотлар методологияси ва методлари. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви. Яхлит педагогик жараён. Дидактика – педагогик таълим назарияси. Ўқитиш жараёни яхлит тизим сифатида. Ўрта махсус ва касб-хунар таълими мазмуни. Давлат таълим стандарти. Таълим методлари ва воситалари. Таълимни ташкил этиш шакллари ва турлари. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини таъхис этиш. Тарбия жараёнининг моҳияти ва мазмуни. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари. Жамоа тарбия объекти ва субъекти сифатида. Тарбиянинг умумий методлари. Ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш. Ақлий тарбия. Фуқаролик тарбияси. Маънавий-ахлоқий тарбия.

жисмоний ва эстетик тарбияси. Таълим муассасаси менежменти. Коррекцион педагогика асослари.

Педагогика тарихи: Педагогика тарихи фан сифатида. Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар. VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача Ўрта Осиёда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар. Шарк Уйғониш даврида педагогик фикрларнинг ривожланиши. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Моварауннаҳрда тарбия ва мактаб. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Моварауннаҳрда педагогик фикрлар ривож. XVII асрдан XIX асрнинг ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар ривож. XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошида Туркистон ўлкасида тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар. 1917-1991 йилларда Ўзбекистонда таълим тизими ва педагогик фикрлар ривож. Мустақил Ўзбекистон таълим тизими. Мустақиллик йилларида педагогик фикрлар ривож. Энг қадимги даврлардан XIX асрнинг биринчи ярмида жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи. Я.А.Коменскийнинг педагогик назарияси. XIX асрнинг 2-ярми – XX асрда жаҳон педагогика фанининг ривож. К.Д.Ушинскийнинг педагогик мероси. Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатлари таълим тизими ва педагогика фани ривож.

Педагогик маҳорат: Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти. Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида ўқитувчи маҳорати масалалари. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият. Коммуникатив малакалар ва таъсир этиш. Ўқитувчи фаолиятида муомала маданияти ва психологияси. Педагогик такт ва педагогик этика. Педагогик техника ҳақида тушунча. Педагогик техникани шакллантириш методикаси. Нутқ техникаси ва маданияти. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш. Педагогика тажрибани тўплаш тизими.

7.5.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.6. Малака амалиёти

Ўқув амалиёти

Амалиёт ўтказиладиган манзилга етиб олиш. Ишга тайёргарлик кўриш. Амалиёт иштирокчиларига хавфсизлик техникаси ҳақида маълумот бериш. Маҳаллий халқ оғзаки ижоди юзасидан танишув суҳбатини уюштириш. Респодентлар билан материаллар ёзиб олиш жараёнида муомала этикасига амал қилишни ўргатиш. Материал ёзиб олиш техникаси билан таништириш. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳни ўз ҳудуди билан таништириш. Маҳаллий аҳолидан халқ кўшиқлари, топишмоқ, мақол, тез айтиш намуналарини ёзиб олиш. Ёзиб олинган намуналарни киёслаш, фарқларни аниқлаш. Тўпланган материалларни тартиблаштириш, оққа кўчириш, ҳисобот учун маълумот тўплаш. Аҳолидан маҳаллий ҳудудда ўтказиладиган маросимлар рўйхатини аниқлаш. Маросимларни ўтказиш тартибини изохлаш. Аҳолидан эпик асарлардан намуналар ёзиб олишни бошлаш. Респодентлардан мазкур асарларни ўрганиш тарихларини ёзиб олиш. Экспедиция давомида алоҳида эътибор қозонган респодентлар билан суҳбат ўтказиш. Ҳудудда аввал яшаган ижрочи ва ижодкорлар ҳақида маълумот олиш. Малака амалиёти даврида ёзиб олинган материалларни тартибга солиш. Амалиёт бўйича ҳисобот тайёрлаш. Фольклор амалиёти давомида тўпланган материалларни тартиблаштириш. Амалиёт раҳбарларига ҳисобот топшириш.

Диалектологик амалиёт ҳақида маълумот бериш. Амалиётга бориладиган ҳудудни аниқлаш. Белгиланган ҳудуд шеvasига оид хусусиятларни талабаларга эслатиш. Ўрганиладиган ҳудуд шеvasи вакиллари билан мўлжалланган илмий ва амалий мазмундаги режа асосида гуруҳ талабаларининг мулоқатларини уюштириш.

Мулоқотларни ёзиб олиш ва уларни диалогтологик материаллар сифатида ёзиб, транскрипция қилиш.

Ёзиб олинган шева матнларини гуруҳлаб, алоҳида дафтарларга ёзиш, уларни амалиёт раҳбарларига топшириш. Амалиёт охирида талабаларни баҳолаш.

Педагогик амалиёт:

Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтказилади ва унда талабалар олий таълим муассасасида олган назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қиладилар.

Талабалар таълим муассасасида малакали ўқитувчиларининг 20-25 та дарсига (пассив амалиёт) қатнашган ҳолда дарсни ташкил этиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Талабалар таълим муассасасида педагог раҳбар назорати остида 8 та синов дарсини амалда мавжуд бўлган дастурга биноан маъруза ва амалий машгулот материаллари асосида мавзу бўйича дарс (актив амалиёт) олиб бориши лозим. Амалиёт раҳбари назорати остида ўқувчилар орасида 2-3 та тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тadbирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Таълим муассасаси ўқув ҳужжатлари билан танишиб чиқиши лозим.

7.5.7. Битирув иши (лойиҳаси)

Битирув ишлар мавзуси олий таълим муассасасининг мутахассис чиқарувчи кафедралари томонидан кадрлар буюртмачилари талабалари ҳамда фан, техника ва технологияларда эришилган замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув ишларининг мавзуси илмий-тадқиқий йўналишда бўлиши мумкин.

Битирув иш топшириғи одатга кўра, талабага учинчи курсни тамомлагандан кейин берилади. Иш умумқасбий ва махсус фанларни ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курс давомида, шунингдек, унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан ажратилган вақт давомида бажарилади.

Битирув ишнинг ҳажми бакалаврлар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

8. Бакалаврият таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар

8.1. Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар

8.1.1. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика ижтимоий, маънавий-маърифий соҳа тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

ОТМ таълим дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиллаб туриши лозим.

8.1.2. Таълим дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўғарақларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

8.1.3. Ўқув жараёнининг машгулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шакллари ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик

амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

8.1.4. Талабалар ўқув юкмасининг максимал ҳажми таълим дастури ва таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5. ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инobatга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

8.1.6. Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан (модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

8.1.7. Талабаларда билим, амалий малака ва қўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

8.2. Таълим дастурларининг татбиқ этилиши

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредетацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малака амалиётлари замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларда ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув иши (лойҳаси)ни химоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

8.3. Малака амалиётларни ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув-танишув билан боғлиқ малака ва педагогик амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқишнинг иккинчи босқичида **ўқув-танишув амалиёти** ўтказилади, мақсад – ўқиётганларни олий таълим муассасаси, ЎзР ФАнинг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа давлат ва нодавлат илмий муассасаларининг мавзулари ва уларда илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда талабаларни мос йўналишдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништирилади. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Малака ва педагогик амалиёт алоҳида ишлаб чиқилган амалиёт дастурлари асосида таълим муассасаларида, замонавий корхоналар, ташкилотлар ва ИТИларда ўтказилади. Шунингдек, амалиёт даврида ихтисослик фанларидан ҳам амалий машғулотлар ўтказилиши назарда тутилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустақамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8 семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (махсус) циклнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва химоя қилинишини, талабаларнинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутати.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилиниши қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида ўқиётганларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда ўқиётганларни иш жойи билан таъминлаш;
- олий таълим муассасасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;
- талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек, тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ўқитувчиликка жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик хужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир ўқиётган таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳукуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир ўқиётган ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклнинг ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий адабиёт фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иктисодий циклнинг базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма блокларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар

базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- ўйинли технологиялар;
- танкидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;

- ўқитишни дифференциациялаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;
- дастурий ўқитиш технологияси;
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, аклий ҳужум, ассоциограммалар методи ва х.к.).

учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (поток ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машғулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машғулотларида кўргазмаларни материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш унун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;
- семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан уларнинг меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21 – сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Яқуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг яқуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малака талабларига тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

– ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралигида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралигида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талабанинг битирув иш (лойиҳаси) мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

10.2. Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида қўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3. ДТСни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4. 5120100 – *Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси)* бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкламаси – 36 соатгача бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1. ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, «Ўзстандарт» агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати – камида 5 йил.

11.2. Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТСнинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (тожик филологияси) бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

T/p	Фанлар блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юклама ҳажми, соатларда
1	2	3
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1704
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	784
2.01	Олий математика асослари	104
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари	342
2.03	Ёш физиологияси ва гигиена	104
2.04	Экология	98
2.05	Математик лингвистика	136
3.00	Умумқасбий фанлар	3672
3.01	Ҳозирги тожик адабий тили	598
3.02	Тожик тили тарихи	278
3.03	Тилшунослик назарияси	216
3.04	Шарқ тили (араб ва форс)	206
3.05	Тожик диалектологияси	106
3.06	Қиёсий-тарихий грамматика	184
3.07	Тожик мумтоз адабиёти тарихи	522
3.08	Миллий уйғониш даври тожик адабиёти	152
3.09	Янги тожик адабиёти тарихи	164
3.10	Жаҳон адабиёти тарихи	162
3.11	Адабиётшунослик назарияси	210
3.12	Тожик адабий танқидчилиги тарихи	142
3.13	Тожик халқ оғзаки ижоди	100
3.14	Ҳозирги адабий жараён	124
3.15	Тожик тили ва адабиёт ўқитиш методикаси	253
3.16	Танлов фанлар	255
4.00	Ихтисослик фанлари	734
4.01	Умумий психология	100
4.02	Услубшунослик	170
4.03	Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари	225
4.04	Умумий педагогика	154
4.05	Танлов фанлар	85
5.00	Қўшимча фанлар	450
	ЖАМИ:	7344
	Малака амалиёт	864
	Битирув иши	270
	Аттестация	1026
	ЖАМИ:	2160
	ХАММАСИ:	9504

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

тожик тили ва адабиёти, тожик филологияси, ҳозирги адабий тил, тилшунослик, фонема, морфема, лексикология, лексикография, морфология, фразеология, имло, форсий-дарий тил, паратаксис, социолингвистика, қадимий форсий тил, адабий тил, услуб, услубшунослик, тил тарихи, қиёсий тилшунослик, илмий услуб, бадиий услуб, бадиий асар тили, синоним, пароним, омоним, антоним, сўз туркумлари, от, сифат, феъл, олмош, равиш, гап, сўз, ибора, фразеология, грамматика, синтаксис, гапнинг бош бўлаклари, иккинчи даражали гап бўлаклари, адабиёт назарияси, тожик адабий танқидчилик тарихи, адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик, адабиёт тарихи, миллий уйғониш, жаҳидчилик, эронология, фольклор, адабий жараён, адабий мактаблар, адабий оқим, лирика, эпика, драма, публицистика, журналистика, услубшунослик, поэтика, методика, таълим технологиялари, реализм, маърифатпарварлик, сиркат, адабий мувозана, танқид меъёрлари, адабий тур ва жанрлар, тақриз, мақола, мусоҳаба, мунозара, адабий портрет, рисола, бадиий тасвир воситалари, газал, маснави, дoston, қасида, китъа, қисса, роман, ҳикоя, новелла, очерк, баллада, эссе, драма, комедия, мазҳака, юмор, сатира, назм, наср, поэтика, поэтик маҳорат, сўз санъати, бадиий санъат, бадиият, образ, адабий симо, тимсол, бадиий талқин, қаҳрамон, персонаж, сюжет, композиция, асар, пролог, эпилог, монолог, диалог, шакл, мамун, ғоя, мавзу, мундарижа, истеъдод, адабий услублар, ижодий методлар, реализм, романтизм, танқидий реализм, маърифатпарварлик реализм, натурализм, сюрреализм, модернизм, постмодернизм, ок шеър, сарбаст шеър, мумтоз адабиёт, ҳозирги замон тожик адабиёти, Миллий истиқлол ва бадиий адабиёт.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА
 СТАНДАРТЛАШТИРИШ, ДАВЛАТ
 НАЗОРАТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
 АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
 Жорий этиш бўлиғи

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари
ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Директор [Signature] Б.Рахимов

2014 йил « 31 » 01

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Самарқанд давлат университети



Ректор [Signature] проф. У.Н.Ташкенбаев

2014 йил « 30 » 01

М.Ў.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти



Ректор [Signature] проф. А.М.Маннонов

2014 йил « 30 » 01

М.Ў.

Термез давлат университети



Ректор [Signature] проф. М.Э.Ҳайдаров

2014 йил « 5 » 02

М.Ў.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб хунар таълими бошқармаси



Бошлик [Signature] М.М.Холмухамедов

2014 йил « 7 » 02

М.Ў.

Самарқанд вилоят халқ таълим бошқармаси



Бошлик [Signature] А.М.Умаров

2014 йил « 7 » 02

М.Ў.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА
СТАНДАРТЛАСHTИРИШ, ДАВЛАТ
НАЗОРАТИНИ АЙУВФИЛАСHTИРИШ ВА
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЮРИД ИШИШ БОШҚАРМАСИ

Ижодий гуруҳ ранси ва аъзолари
Ижодий гуруҳ ранси ва ўринбосари

Ижодий гуруҳ ранси	Н.Б.Эшқобилов	Ўқув ишлари бўйича проректор
Ижодий гуруҳ ранси ўринбосари	С.Хўжакулов	Филология факультети декани

Ижодий гуруҳ аъзолари

Т/р	Ўқув фанлари (курслар)нинг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан	
		Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо	Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
3.00	Мутахассислик фанлари				
3.01	Ҳозирги тожик адабий тили	Воҳидов. А ф.ф.н.доцент		Курбоналиева М. ўқитувчи	
3.02	Тожик тили тарихи	М.Истамова ф.ф.н.доцент		Ж.Жумакулов ўқитувчи	
3.03	Тилшунослик назарияси	Х.Бердикулов Ф.ф.н. доцент		Ж.Жумакулов ўқитувчи	
3.04	Араб тили	Ф.Шукуров ўқитувчи		Р.Абдуллаев ф.ф.н.доцент	
3.05	Тожик диалектологияси	Х.Бердикулов ф.ф.н.доцент		С.Саидова ўқитувчи	
3.06	Адабиётшунослик назарияси	Самадов А ф.ф.н., доцент		Р.Абдуллаев ф.ф.н.доцент	
3.07	Тожик мумтоз адабиёти	С.Саъдиев. ф.ф.д. профессор		Р.Абдуллаев ф.ф.н.доцент	
3.08	Тожик халқ оғзаки ижодиёти	Қамарзода А. ф.ф.н., доцент		Курбоналиева М. ўқитувчи	
3.09	Ҳозирги замон тожик адабиёти	Ҳамроев Ж ф.ф.д., профессор		Ж.Жумакулов ўқитувчи	
3.10	Тожик адабий танқидчилик тарихи	Самадов А ф.ф.н., доцент		С.Саидова ўқитувчи	
3.11	Миллий уйғониш даври тожик адабиёти	Хўжакулов С. ф.ф.н., катта ўқит.		Д.Мукумова ўқитувчи	
3.12	Ҳозирги адабий жараён	Ҳамроев Ж ф.ф.д., проф.		Д.Мукумова ўқитувчи	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Давлат тест марказида
экспертизадан ўтказилди

Директор

Б.Исмаилов



2014 йил « 03 » 03

М.ў.

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Раимова Л.Р.	ДТМ босма эмерки	
Ўзамамадинов Ш. ҚҚРБ	кафедра мудири	
Абдурашидов З.М. ЎЗМУ	декан м.у.в.ч.к.	
Соғдиқов Ҳ.Ҳ. Тилои ЯШИ	кадр. мудири ф.и.ф.ф.	
ЎЗМУ Чиманова Ш.Р.	ф.ф.ғ., прогн.	
Халишев С.К. ЎЗМУ	ф.ф.ғ., доцент кафедра мудири	

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 32-сонли буйруғи
асосида Самарқанд давлат университетида қайта ишлаб чиқилган Давлат таълим
стандартлари ва ўқув режаларининг турдош ОТМлари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

5.02. 2014 йил

Қатнашдилар: А. Маннонов – ТошДШИ ректори, Қ.Ҳақбердиев – ТошДШИ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Умарова – ТошДШИ ЎУБ бошлиғи, Қ.Содиқов – Мумтоз филология кафедраси мудири, У.Муhibaва – ТошДШИ Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси мудири, Х.Алимова – Эрон-афғон филологияси кафедраси мудири, Ш.Ёвқочев – ТошДШИ Жаҳон сиёсати кафедраси мудири, Х.Файзиев – ТошДШИ Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси мудири, Ю.Исмоилова – ТошДШИ Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси мудири, Ш.Эрмаматов – ТошДШИ Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси мудири, Ў.Ёриев – ЎзДЖТУ ўқув услубий бошқарма бошлиғи, Ҳ.Дадабоев – ЎзМУ Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси мудири, З.Исломов – ТИУ Диний тадқиқотлар ва маънавий мерос бўйича проректор, Исломунослик илмий тадқиқот маркази директори, Э.Нуриддинов – ТДПУ Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси профессори, А.Тилавов – ЎзМУ “Ўзбек мумтоз адабиёти” кафедраси доценти, О.Р.Шералиев – СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори, профессор Н.Б.Эшқобилов, филология факультети декани, С.Хўжакулов, – ЖИДУ Халқаро муносабатлар факультети декани, Г.Фуломова – ТИУ ХИМ кафедраси доценти, А.Салиев – ЎзМУ Иқтисодий география ва ижтимоий демография кафедраси профессори.

КУН ТАРТИБИ:

ЎзР ОЎМТВнинг 2014 йил 25 январдаги 32 – сонли буйруғига асосан Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Филология факультети тожик тили ва адабиёти кафедраси томонидан тайёрланган *5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* бакалаврият таълим йўналишининг Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари муҳокамаси:

А. МАННОНОВ – ЎзР ОЎМТВнинг 2014 йил 25 январдаги 32 – сонли буйруғига асосан Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети филология факультети тожик тили ва адабиёти кафедраси томонидан тайёрланган *5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили)* бакалаврият таълим йўналишининг Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тайёрлаш топширилган эди. Шу жараён қай тарзда кетмоқда, танишиб чиқсак.

Н.Б.Эшқобилов – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида университетнинг мутахассис тайёрловчи кафедралари мудирилари, етакчи профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, университет таянч этиб белгиланган 2 та магистратура мутахассисликларининг ДТСлари ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Мазкур ДТС ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан кўйилган талаблар имкон қадар инобатга олинди. ДТСларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий ва семинар машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатларини тўғри шакллантиришга ҳаракат қилинди.

О.Р.Шералиев – Биз СамДУ томонидан яратилган ДТСи ва ўқув режалари билан танишиб чиқдик. 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили) бакалавр таълим йўналишининг ДТСини тузишда мамлакатимизда сўнгги йилларда чет тилини ўқитиш борасида олиб борилаётган давлат сиёсати билан боғлиқ ўзгариш ва ислохотлар ҳамда талаблар ҳам эътиборга олинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабридаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда унинг асосида яратилган “Хорижий тиллар бўйича ўқув фанларидан ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий Талаблар”дан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг чет тилини ўзлаштириш бўйича кўникмалар доирасидаги билимларни қамраб олишга қаратилган.

Ҳ.Дадабоев – Мен мазкур ДТС ва ўқув режаларини кўриб чиқдим. Улар замон ва давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур таълим йўналиши бўйича яратилган давлат таълим

стандартни hozirgacha mavjud bulgan ta'lim standartlarini inkor qilmagan holda yaratilgan va ularning muammal kurinishidir. Davlat ta'lim standarti jahon indozalariga moslashtirilgan, yangi fundamental fanlarning uqitilishini nazarda tutadi va ta'lim fuqalishi buyicha tayirlanigan kadrlarning puxta, hartomonlama kengkamrovli va chuqur nazariy bilim olishini ta'minlaydi.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Самарқанд давлат университети томонидан тайёрланган *5120100-Филология ва тилларни уқитиш (тожик тили)* бакалаврият та'лим fuqalishining ДТС ва uquv rejasi Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343 – сонли ҳамда 2013 йил 10 июлдаги 199-сонли қарорлари меъёрларига катъий амал қилинган holda ишлаб чиқилганлиги эътиборга олинсин. Мазкур ДТС ва uquv rejalarining ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан фанлар таркиби, ularning mazmuni, maъруза, амалий ва семинар машгулотларига ажратилган юқламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда уқитилиш кетма-кетлигида узвийлик ва узлуқсизлик тамойилларига риоя қилиш buyicha берган таклиф ва талаблари иноватга олинганлиги таъкидлансин.

2. Тақомиллаштирилган holda ишлаб чиқилган ДТС ва uquv rejalari турдош ОТМлари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари булган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан утказилсин ва тегишли тартибда тақризлар олинсин.

3. Ишлаб чиқилган ДТС ва uquv rejalarini uqratilgan тартибда муҳокама қилиш ва таъкидлаш учун Давлат тест маркази ҳамда Олий ва урта махсус, касб-хунар та'лимини ривожлантириш марказига тақдим этилсин.

Мажлис раиси

Котиба



А. Машонов

С. Умарова

Тошкент давлат шарқшунослик институти бакалавриат таълим йўналишлари бўйича
ДТСларнинг ишлаб чиқарувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

7.02 2014 йил

Биз куйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори Б.А.Абдухалимов, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ректори У.Н.Ташкенбаев, Ўзбекистон Республикаси Таълим маркази директори И.И.Зокиров ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.М.Манноновлар СамДУда ишлаб чиқилган 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (тожик тили) бакалавриат таълим йўналиши бўйича тайёрланган Давлат таълим стандарти мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

